

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган давлат университети

Ҳуқуқшунослик факультети
талабалари учун криминалистика курси
бўйича лаборатория машғулотларини
ўтказиш юзасидан ўқув-услубий қўлланма

Наманган давлат университети 2009

Криминалистика Фани бўйича лаборатория машғулотларини ўтказиш юзасидан ўқув-услубий қўлланма (ҳуқуқшунослик факультети 4-курс кундузги бўлим талабалари учун). Наманган 2009. 80 бет

Мазкур ўқув-услугий қўлланмада криминалистика бўйича машғулотларнинг материаллари келтирилган. Тайёрланган материаллар замонавий талабларга жавоб беради ва у талабалар томонидан криминалистика курсини чуқурроқ ўрганишга, Амалий билимларга эга бўлиш ва уларни ривожлантиришга, излар ва тергов версиялари ҳақида ашёвий далилларни кайд қилиш ва намуна олишга, жиноятларни очиш ва тергов қилиш усуллариغا йўналтирилган. Ўқув-услугий қўлланма машғулотларнинг кенгайтирилган режаси, моддий-техникавий жиҳозланиши, ҳар бир мавзунини ўрганиш учун назорат тартибида саволлар, топшириқлар ва тавсия этиладиган адабиётларни, шунингдек тергов версиялари, терговни режалаштириш, жиноятларни очиш ва тергов қилиш усуллари йўз ичига олади.

Тузувчи: Жиноят ҳукуқи ва процесси кафедраси
катт ўқитувчиси Р.П.Инамов

Такризчи: Хукукшунослик факультети декани
 ю.ф.н., доцент М.Х.Жиянов

Мазкур ўқув-услугий қўлланма Наманган давлат университети ўқув-услугий Кенгашининг 2009 206 августдаги 1-сонли йиғилиши (баённома №1) қарори асосида нашрга тавсия этилган.

Наманган давлат университети 2009

Криминалистика бўйича лаборатория машғулотларига умумий услубий кўрсатмалар.

Криминалистика - олий ва ўрта махсус ҳуқукий билим юртларида ўрганиладиган ихтисослаштирувчи мураккаб фанлардан биридир. Криминалистика курсининг дастури талабалар томонидан унинг жиноятларни очиш ва тергов қилишдаги имкониятларидан фойдаланиш учун зарур ва етарли билим олишларига мўлжалланган.

Ўқув материални мустаҳкамлаш шаклларида бири бу криминалистика бўйича лаборатория машғулотларини ўтказиш ҳисобланади. Бунда талабаларнинг мазкур фан бўйича чуқур билим олишлари, назарий билимларини мустаҳкамлашлари, амалий кўникмалар ҳосил қилишлари ва уларни ривожлантиришлари замонавий илмий-техника воситаларини кўллай билишлари, ашёвий далилларни топиш, тўплаш, мустаҳкамлаш ва дастлабки тарзда тадқиқ қилишлари, тергов версиялари ҳақида, жиноятларни очиш, тергов қилиш усуллари, терговларни режалаштиришларига ёрдам берувчи қатор лаборатория ишлари ўтказилади.

Услубий тавсиялар ҳуқуқшунослик факультети кундузги бўлимининг IV курс талабалари учун мўлжалланган.

Мазкур услубий тавсиялар талабалар ижодий қобилиятларини анчагина ривожлантиришга кўмаклашади, бу жараёни фаоллаштириш кўп жиҳатдан криминалистика, дастлабки тергов, тергов ва суд соҳасидаги бўлажак мутахассисларни тайёрлашга хизмат килади. Тавсиялар мавзулар рўйхати, мавзуларни ўрганиш чоғидаги муҳимроқ деб ҳисобланган масалаларни, ҳар бир конкрет мавзунини ўрганиш учун мақсад, режа, назорат тартибидаги саволлар ва тавсия этилажак адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

Мавзу: Криминалистиканинг умумилмий ва махсус усуллари.

Криминалистиканинг асосий вазифаси шундаки, унга мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятларни тез ва тўла қош этилишини таъминлашдан иборатдир. Бунда тергов ва суд тажрибасида ҳозирги замон илмий усуллари ва техника воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўлидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Режа:

1. Криминалистикада фойдаланиладиган умумилмий усуллар.

2. Криминалистиканинг махсус усуллари.

Топшириқ.

Криминалистика ва судлов далиллари назарияси муносабатлари ҳақидаги мунозара мазкур муаммо бўйича турли хил қарашлар мавжудлигини кўрсатади. Уларни қуйида келтирилган манбалар бўйича таҳлил қилинг ва ўз фикрингизни билдиринг.

Адабиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Тошкент-2005 йил
2. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
3. Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Янги аср авлоди» 2000 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси ЖК. Тошкент - 2005 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент - 2005 йил.
6. Агофонов В.В., Филиппов А.Г. Криминалистика; Вопросы и ответн. Учебное пособие. М. Юристпруденция 2000 г.
7. Криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент «Қамолот-Қатортол» 1999 йил.
8. Криминалистика. Дарслик. «Норма» Москва-2000 й.

Мавзу: Криминалистик ўхшатиш (идентификация).

Жиноятларни очиш чоғида жуда кўп масалалар ўхшатиш усули билан ҳал қилинади. Масалан, мурдадан топилган ўқ гумондордан тортиб олинган қуролдан отилган ўққа ўхшайдими, йўқми; воқеа содир этилган жойдаги из мазкур автомобил изига ўхшайдими — йўқми? Тадқиқ этилаётган ҳужжатдаги ёзув мазкур шахс ёзувига ўхшайдими, яъни шу шахс ёзган эмасми? Ва ҳоказо.

Режа:

- 1. Ўхшашлик тушунчаси ва унинг илмий асослари.**
- 2. Криминалистик ўхшашликнинг турлари.**
- 3. Криминалистик ўхшашликнинг объектлари.**
- 4. Ўхшашлик аломатлари тушунчаси ва таснифи.**
- 5. Текширувчи шахс ўхшашлик тадқиқотларининг умумий услуби.**

Топшириқ.

Қуйида кўрсатилган манбалар асосида криминалистикадаги ўхшатиш усуллариининг моҳияти ва аҳамияти ҳақдаги фикрларни таҳлил қилинг.

Адабиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Тошкент-2005 йил
2. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
3. Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Янги аср авлоди» 2000 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси ЖК. Тошкент - 2005 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент - 2005 йил.
6. Агофонов В.В., Филиппов А.Г. Криминалистика; Вопросы и ответн. Учебное пособие. М. Юристууденция 2000 г.
7. Криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент «Қамолот-Қатортол» 1999 йил.

Мавзу: Криминалистик тахмин(версия) ҳақидаги таълимот.

Криминалистиканинг энг муҳим услубий муаммоларидан бири криминалистик тахмин ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Жиноятларни очиш жараёнига баҳо беришда билимнинг гиметик (қатл этиш) усулининг ролини таъкидлаш лозим. Талаба криминалистик тахмин таснифи, тергов, тезкор-қидирув, эксперт ва суд тахминлари, умумий ва хусусий, шунингдек намунали тахмин тушунчаларини яхши ўзлаштириб олишлари керак.

Режа:

- 1. Криминалистик тахмин тушунчаси ва таснифи.**
- 2. Тахминларнинг тузилиши ва таҳлили.**
- 3. Тахминларни текшириш.**

Топшириқ.

Жиноятларни тергов килишда тергов тахминларининг зарурати тўғрисида ягона фикр мавжудлигига қарамасдан бу тушунчанинг моҳияти ҳақида олимларнинг фикри турлича. Қуйида келтирилган фикрларни таҳлил қилинг бу борада ўз фикрингизни айтинг.

Адабиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Тошкент-2005 йил
2. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
3. Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Янги аср авлоди» 2000 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси ЖК. Тошкент - 2005 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент - 2005 йил.
6. Агофонов В.В., Филиппов А.Г. Криминалистика; Вопросы и ответн. Учебное пособие. М. Юристпруденция 2000 г.
7. Криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент «Камолот-Қатортол» 1999 йил.

Мавзу: Жамоатчиликни жиноятларни очишда қатнашишга жалб этиш.

Жиноятни очиш жараёнида терговчининг жамоатчилик ва тезкор-қидирув органлари билан ўзаро ҳамкорлиги — криминалистиканинг муҳим услубий муаммоларидан биридир. Жиноятни очиш муваффақияти кўп жиҳатдан тергов ва тезкор-қидирув органларининг ўзаро ҳаракатларининг қай даражада яхши йўлга қўйилганлигига, уларнинг жамоатчилик ёрдамидан қай даражада тўғри ва самарали фойдаланишларига боғлиқ.

Юқоридаги мавзунини ўрганиш чоғида жиноятни очишда жамоатчилик вакиллари иштирок этишга жалб этиш вазифалари, шакллари ва шартларини тергов жараёнидаги тезкор қидирув тадбирлари билан тергов ҳаракатлари ўртасидаги алоқани ва жиноятни очиш чоғидаги тезкор қидирув аппарати билан терговчи ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг асосий тактик қоидаларини яхши билиб олиш лозим. Жиноятни очишда тезкор-қидирув хизмати имкониятлари ва жамоатчилик кучидан фойдаланишнинг аҳамияти муҳимлигини таъкиддаш билан бирга уларнинг кўмакчилик тавсифини, жараёний вазифаларни жамоатчилик вакилларига ташлаб қўйишнинг мумкин эмаслигини, терговчи ва тезкор ходим ўртасидаги касбий бурчни қатъий чегаралашни ҳам унутмаслик керак.

Криминалистиканинг ривожланиш тарихини ўрганиш дарсликнинг тегишли бобларидаги материал билан боғлаш мумкин. Талаба ушбу мавзу бўйича ишлаш чоғида илмий криминалистик, жумладан Ўзбекистон Республикасидаги эксперт муассасалар тизими, шунингдек хорижий мамлакатлар криминалистикаси эришган муваффақиятлар билан танишишлари лозим.

Режа:

1. Жиноятларни очиш жараёнида терговчи ва тезкор-қидирув органларининг ўзаро ҳаракати.
2. Криминалистиканинг ривожланиш тарихи.

Топшириқ

Криминалистика ва тезкор-қидирув фаолият муносабатлари ҳақида адабиётларда турли фикрлар мавжуд. Баъзи муаллифлар фикрича криминалистика қонуниятларни ўрганади ва тезкор-

қидирув фаолият усуллари ишлаб чиқади, шу туфайли булар тезкор-қидирув фаолият предметиға қиради. Қуйидаги адабиётларни ўқиб, мазкур фикрни таҳлил қилинг ва ўз фикрингизни билдиринг.

Адабиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Тошкент-2005 йил
2. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
3. Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Янги аср авлоди» 2000 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси ЖК. Тошкент - 2005 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент - 2005 йил.
6. Агофонов В.В., Филиппов А.Г. Криминалистика; Вопросы и ответн. Учебное пособие. М. Юристпруденция 2000 г.
7. Криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент «Камолот-Қатортол» 1999 йил.

Криминалистика техникаси

Мавзу: Криминалистика техникаси асослари.

Машғулот.

Жиноятни очишда тергов жараёнида ишлатиладиган техник-криминалистик воситалар ва усуллар.

Машғулотдан мақсад

Жиноятлар бўйича тергов қилишда техник-криминалистик воситаларни қўллашнинг аҳамияти ва мақсадини тушуниш. Лаборатория тадқиқотларини ва тергов ишларини олиб боришда техник-криминалистик воситалар турлари билан танишиш.

Машғулот режаси:

Криминалистика техникасининг тушунчаси ва унинг вазифалари. Техник-криминалистик воситалар ва услублар, жиноятларга қарши курашда уларнинг аҳамияти.

Жиноятни олдини олишда криминалистик техникадан фойдаланиш, имкониятлари. Жиноятларни фош этишда ва тергов

қилишда ишлатиладиган техник-криминалистик воситалар ва криминалистик техника услублари, турлари.

Суд ва тергов ишларини олиб боришда криминалистик техника, восита ва услубларини қўллаш натижаларининг исботий аҳамияти.

Ашёвий далилларни қайд қилиш, олиш, текширишга қаратилган восита ва усуллар.

Талабаларни тергов чемодани таркиби ва уни қўллаш билан таништириш.

Ашёвий далилларни лаборатория шароитида текширишда қўлланиладиган криминалистик техника воситалари ва усуллари.

Замонавий шароитда криминалистик техника ривожланишининг истиқболи ва ҳолатлари.

Керакли ашёлар:

Терговчининг криминалистик комплекти, прокурор-криминалистнинг чемодани, кўчма криминалистик лаборатория, криминалистик техника воситалари.

Булар кафедранинг махсус хона ва лабораторияларида жойлаштирилади.

Синов саволлари:

Криминалистик техника деганда нима тушунилади?

Криминалистик техника воситалари ва усуллари қандай мақсадда қўлланилади?

Криминалистиканинг техник усуллари деганда нима тушунилади?

Далилларни топиш, қайд қилиш ва олишда қандай техник восита ва усулларидан фойдаланилади?

Криминалистик восита ва усуллари ким томонидан қандай миқёсда ишлатилади?

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларидаги амалий ишларда қандай илмий-техник воситалар комплекtlари ишлатилади?

Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишда криминалистик техниканинг роли?

Адабиётлар:

1. Абдумажидов Г. Криминалистика техникасининг умумий коидапари, дарслик I жилд, Тошкент-2002 й.
2. Норбоев А. Криминалистика схемалар, ўқув қўлланма. Тошкент-2002 й.
3. Криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент. «Камолот-Қатортол» 1999.
4. Криминалистика (Дарслик). «Ўқитувчи»
5. Криминалистика (Учебник). МоскваД998
6. Криминалистика (Дарслик). Тошкент-2003.1-П-жилд.

Мавзу: Суд Фотосурати.

Умумий Фотография асослари

Умумий фотография асосларини суратга олиш жараёнининг асосий босқичлари: суратга олиш, негатив ва позитив жараёнларни ўрганиш. «Зенит» суратга олиш аппарати тузилиши билан танишиш, унинг турлари, кўзгуларнинг турлари, сурат олиш ёритгичи, ёруғлик фильтри, объективни узайтириш халқалари билан яқиндан танишиш.

Керакли ашёлар:

«Зенит» фотоаппарати ва унинг турлари, ёруғлик фильтрлари, суратга олиш ёритгичлари, суратга олиш кўзгулари, объективни узайтириш халқалари, слайдлар, «Зенит» суратга олиш аппаратидан фойдаланиш учун қўлланма.

Машғулот режаси:

1. Фотоаппаратлар турлари. Замонавий фотоаппаратларнинг турлари.
2. Фотоқўзгулари турлари ва уларнинг асосий хусусиятлари.
3. «Зенит» фотоаппаратининг тузилиши ва унинг турлари.
4. «Зенит» фотоаппаратига тегишли асосий ва қўшимча қисмларни ўрганиш.

Синов саволлари:

1. Суратга олиш жараёни асосида қандай ҳоллар ётибди?
2. Суратга олиш қандай жараёнлардан иборат?
3. Фокус ва оптикада фокус масофаси нима?

4. Сураатга олишда олинувчи кўзгуларнинг қандай турлари билан фойдаланилади?
5. Сураатга олишда ёруғликни сезгир асосий материал сифатида нима ишлатилади?
6. Сураатга олишда ёруғлик филтрлари қандай мақсадда ишлатилади?
7. «Зенит» фотоаппаратига қўшимча мосламалардан нималар учун фойдаланилади?

Адабиётлар:

1. Ҳидоятлов Б. С. Суд фотографияси ва кино-видео тасвирга олиш. Крим-техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
2. Закуцкий А.С. Суд фотографияси ва видео-тасвир ёзуви, криминалистика, дарслик, I ж. Тошкент 2003 й.
3. Норбоев А. Криминалистика схемалари. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 й.
4. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А. ва бошқ. Криминалистика. Дарслик. Тошкент 2005 й.

Фотоаппаратни сураатга олишга тайёрлаш. Сураатга олиш.

Маҳсулотдан мақсад:

«Зенит» фотоаппаратини сураатга олишга тайёрлаш техникасини ўзлаштириш. Сураатга олиш.

Маҳсулот режаси:

1. «Зенит» фотоаппаратини ва касеталарни фотоплёнка билан тўлдириш ва бўшатиш техникасини ўрганиш.
2. Сураатга олишда фото экспозометр ёрдамида диафрагма ва «вмдержка» ни аниқлаш.
3. Сураатга олишда тиниқлик чуқурлигини аниқлаш.
4. Фото-ёриткични сураатга олишга тайёрлаш техникасини ўрганиш.
5. Сураатга олишни амалга ошириш.

Керакли ашёлар:

«Зенит» фотоаппарати ва унинг турлари, фотокасеталари, фотоплёнка, ёруғлик ўтказмайдиган ғилоф, кайчи, фото-

экспониметр, ёруғлик фильтри, фотоёритгич, алмаштириладиган фотокузгулар.

Лаборатория машғулоты.

1-Топширик.

- а) Бинр кўриниши.
- б) Портрет кўриниши (бир кишини кўкраккача ва бир гуруҳ шахсларни бор бўйича).
- в) Пейзаж кўринишлари суратга олинсин.

2-Топширик. Фотолабораториясида фотоплёнкани чиқариш.

3-Топширик. Олинган тасвири фотоплёнкалардан суратлар чиқариш ва суратларни жадвал тарзида жойлаштириш.

Фотожадвал

Био тасвири туширилган суратни ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ фотоплёнка
билан амалга оширилди.
Сурат жадвалини
_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____
видержка _____
ёритилганлик _____
Об-ҳавонинг аҳволи.
негатив плёнка солинган
конверт учун жой

Фотожадвал

Одамнинг кўкрак қисми портрет сифатида олинган суратни ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ фотоплёнка
билан амалга оширилди.
Сурат жадвалини
_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____
видержка _____
ёритилганлик _____
Об-ҳавонинг аҳволи.
негатив плёнка солинган
конверт учун жой

2 ва 3 чи топшириқлар талабалар томонидан Негатив жараён ва Позитив жараён темалари бўйича лаборатория машғулотларида бажарилади.

Фотожадвал

Бор бўйича бир гуруҳ шахслар олинган суратни ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати

_____ объективи

_____ фотоплёнка

билан амалга оширилди.

Сурат жадвалини

_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____

видержка _____

ёритилганлик _____

Об-ҳавонинг аҳволи.

негатив плёнка солинган

конверт учун жой

Фотожадвал

Пейзаж суратини ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати

_____ объективи

_____ фотоплёнка

билан амалга оширилди.

Сурат жадвалини

_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____

видержка _____

ёритилганлик _____

Об-ҳавонинг аҳволи.

негатив плёнка солинган

конверт учун жой

НЕГАТИВ ЖАРАЁН

Машғулотдан мақсад:

Негатив жараён, кимёвий реактивлар проявитель ва мустаҳкамловчи эритмалар билан танишиш. Ўқув фотоплёнкасини, плёнка ювиш идишига жойлаш ва ундан бўшатиб олиш техникасини ўрганиш. Суратларни прявка ва мустаҳкамлаш эритмаларини танлаш ва тайёрлаш кўникмаларини шакллантириш. Тайёрланган эритмаларда фототасмаларга ишлов бериш.

Машғулот режаси:

Негатив жараён моҳияти.

Сурат чиқариш ва мустаҳкамлаш эритмаларининг турлари.

Сурат чиқариш идишига фотоплёнкани жойлаш.

Ёруғликка сезгир материаллар турлари.

Кимёвий эритмаларни тайёрлаш. Фотоплёнкага ишлов бериш.

Олинган негативларнинг сифатини баҳолаш.

Керакли ашёлар:

Суратларни чиқариш ва мустаҳкамлаш эритмаларини тайёрлашда ишлатиладиган кимёвий моддалар, иссиқлик ўлчагич, фотоплёнкалар, кимёвий идишлар комплекти, оғохдантирувчи овозли соат.

Синов саволлари:

1. Оқ-қора тасвирли негатив фотоматериаллари ва уларнинг хусусиятлари.
2. Оқ-қора тасвирли негатив фотоматериалларини ишлаш учун ишлатиладиган кимёвий эритмалар таркиби нималардан иборат?
3. Оқ-қора тасвирли негатив фотоматериалларига ишлов бериш қай тарзда олиб борилади?
4. Оқ-қора тасвирли фотоматериалларига ишлов бериш режимида сурат чиқарувчи эритма таркиби ва конвентарния қандай таъсир кўрсатади?
5. Эритманинг ҳарорати таъсир олиш жараёнига қандай таъсир кўрсатади?

ПОЗИТИВЖАРАЁН

Машғулотдан мақсад:

Позитив жараёнлар технологиясини ўзлаштириш. Фотоувеличителни ишга тайёрлаш техникаси билан танишиш. Сурат тавирларини олиш кўникмаларини шакллантириш.

Машғулот режаси:

Позитив жараён, унинг асосий босқич ва операциялари. «Ленинград-4» фотоувеличителини ишга тайёрлаш. Фотоқоғозларнинг турлари ва классификацияси. Сурат чиқаришда «видержка»

катталигини аниклаш усуллари. Сурадан нусхалар олиш техникаси.

Керакли ашёлар:

«Ленинград-4» фотоувеличители, сурат чиқариш ва мустаҳкамлаш эритмалари, идишлар, фотоқоғоз, кадр рамкаси, ҳарорат ўлчагич, огоҳлантирувчи овозли соатлар, электр қуритгич.

Синов саволлари:

1. Сурат ишлашда фотоқоғозларни танлаш принципи қандай?
2. Сурат ишлашда «видержка» катталйгига қандай омиллар таъсир қилади?
3. Сурат нусхаларини олиш, фотоқоғозга ишлов бериш тартиби қандай?
4. Сурат тасвирларини синов учун ишлаш усуллари айтинг.
5. Фотоувеличителни ишлашдан олдин уни созлаш кетма-кетлиги қандай?

Уй вазифаси: Ўтган машғулотдан чиқарилган суратларни криминалистик техникаси бўйича амалий ишлар альбомларга ёпиштирилсин ва фотожадвал кўринишида тасвирлансин.

Суд - оператив фотографияси.

Машғулотдан мақсад:

Умумий сураткашлик билимларни мустаҳкамлаш. Суд-оператив фотографиясини асосларини тушуниш. Инспенировка қилинган ҳодиса рўй берган жойни суд-оператив суратга олиш бўйича алоҳида кўникмаларни ҳосил қилиш.

Машғулот режаси:

1. Суд-оператив фотографияси тушунчаси ва унинг қидирув-оператив тергов ва эксперт амалиётидаги аҳамияти.
2. Тергов фаолиятини амалга оширишда суд-оператив фотографиясини кўллаш. Суратга олиш усул ва услублари.
3. Алоҳида криминалистик нукталарни (объектларини) суратга олишнинг хусусиятлари.
4. Олинган суратларни техник ва процессуал жиҳатдан расмийлаштириш.

Керакли ашёлар:

«Зенит» фотоаппарати, унинг турлари, масштаби чизиқлар, плёнка, ёруғлик филтрлари, объективни узайтириш мосламаси, фото ёритгич.

Фото жадвалларни тузиш тартиби.

Суратлар амалий ишлар альбомига ёпиштирилади ва суратдаги тасвир ҳақида тушунтирувчи матнлар билан таъминланади. Матн сурат тагига жойлаштирилади. Тушунтирувчи ёзувда куйидаги маълумотлар бўлиши керак.

- Суратда тасвирланган объектлар (кўча, уй, жасад, из ва ҳоказо)

- Сурат олиш усули (ўлчаш, панорама, стераскопик...)

- Суратга олишнинг қўлланилган тури (ориентирлик, обзорлик, марказлик, деталлик)

- Қандай фотоаппарат билан, қандай плёнкага, қандай диафрагма ва вкддержка билан, қандай ёруғликда ва ким томонидан суратга олинганлигини қайд этиш лозим.

Лаборатория машғулоти.

1-топшириқ. Инсенировка қилинган ҳодиса рўй берган жойни тўғри ёки айланма панорама усулида ориентирлик суратга олинсин.

2-топшириқ. Шартли воқеа содир бўлган жойнинг бир неча муфассал сурат тасвири килинсин. Уни турли нуқталаридан суратга туширилсин.

3-топшириқ. Шартли воқеа содир бўлган жойнинг бир неча муфассал сурат тасвири килинсин.

4-топшириқ. Шартли воқеа содир бўлган жойда топилган жиноят курули ёки бошқа сиёсий далилни деталли тасвири килинсин. (масштабли чизғич ишлатилган ҳолда).

5-топшириқ. Фотоплёнка лабораторияда чиқарилсин.

6-топшириқ. Олинган негатив тасвирлардан сурат нусхалари олинсин ёки фотожадвал кўринишида жихозлансин.

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 ____ йил « ____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Тўғри ва айлана панорама усулида олинган ориентирлик
суратини ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ бирл.фотоплёнка

билан амалга оширилди.

Сурат жадвалини

_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____

видержка _____

ёритилганлик _____

Об-ҳавонинг аҳволи.

негатив плёнка солинган

конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 _____ йил « _____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Обзор усулида олинган суратни ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ бирл.фотоплёнка

билан амалга оширилди.

Сурат жадвалини

_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____

видержка _____

ёритилганлик _____

Об-ҳавонинг аҳволи.

негатив плёнка солинган

конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 _____ йил « _____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Туташ сурат тасвирларини муфассал (узловой)
ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ бирл.фотоплёнка

билан амалга оширилди.

Сурат жадвалини

_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____

видержка _____

ёритилганлик _____

Об-ҳавонинг аҳволи.

негатив плёнка солинган

конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 ____ йил « ____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Деталь тарзида олинган суратни ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

____ фотоаппарати
____ объективи
____ бирл.фотоплёнка
билан амалга оширилди.

Сурат жадвалини

____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____

видержка _____

ёритилганлик _____

Об-ҳавонинг аҳволи.

негатив плёнка солинган

конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 ____ йил « ____ » _____ баённомасига

Лаборатория машғулоти.

1-Топшириқ. Инспенировка қилинган воқеа содир бўлган жойни жасад топилганлик факти бўйича тахминий, обзор, муфассал ва деталь тарзидаги усуллар билан очик жойда ёки ҳавода суратга олинсин. Жасаднинг ётган жойига қараб уни панорама суратида тасвирлансин. Бунда плёнкали панорама усули қўлланилсин.

Жасадни ётган жойи тўрт иуқтадан(томондан) туриб суратга олинсин.

2-Топшириқ. Фотоплёнкага сураткашлик лабораториясида ишлов берилсин.

3-Топшириқ. Негатив плёнка олинган суратлар ишланиб уни фотожадвал кўринишида жойлаштирилсин.

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 ____ йил « ____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Айланма панорама усулида бажарилган топшириқ (ориентир) сурат ёпиштириш учун жой.

Сураатга олиш:
_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ бирл.фотоплёнка
билан амалга оширилди.
Сураат жадвалини
_____ тузди.

сураатга олиш шароити.
диафрагма _____
видержка _____
ёритилганлик _____
Об-ҳавонинг аҳволи.
негатив плёнка солинган
конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 _____ йил « _____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Обзор усулида олинган сураатни ёпиштириш учун жой.

Сураатга олиш:
_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ бирл.фотоплёнка
билан амалга оширилди.
Сураат жадвалини
_____ тузди.

сураатга олиш шароити.
диафрагма _____
видержка _____
ёритилганлик _____
Об-ҳавонинг аҳволи.
негатив плёнка солинган
конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 _____ йил « _____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Муфассал (узловой) усулда олинган сураатни ёпиштириш учун жой.

Сураатга олиш:
_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ бирл.фотоплёнка
билан амалга оширилди.
Сураат жадвалини
_____ тузди.

сураатга олиш шароити.
диафрагма _____
видержка _____
ёритилганлик _____
Об-ҳавонинг аҳволи.
негатив плёнка солинган
конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 _____ йил « _____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Деталь тарзида олинган суратни ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ бирл.фотоплёнка

билан амалга оширилди.

Сурат жадвалини

_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____

видержка _____

ёритилганлик _____

Об-ҳавонинг аҳволи.

негатив плёнка солинган

конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 _____ йил « _____ » _____ баённомасига

Фотожадвал

Панорамали линияли сурат тасвир усулида тайёрланган жасад
суратини ёпиштириш учун жой.

Суратга олиш:

_____ фотоаппарати
_____ объективи
_____ бирл.фотоплёнка

билан амалга оширилди.

Сурат жадвалини

_____ тузди.

суратга олиш шароити.

диафрагма _____

видержка _____

ёритилганлик _____

Об-ҳавонинг аҳволи.

негатив плёнка солинган

конверт учун жой

Илова: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги
20 _____ йил « _____ » _____ баённомасига

Синов саволлари:

1. Суд-оператив фотографиясини қандай турлари, усул ва услублари бор?
2. Воқеа содир бўлган жойни очик ерда ва хонада суратга олиш хусусиятлари нимада?
3. Ишлатилаётган фотокузгунинг(объектив) тури сурат тасвир ўлчамига қандай таъсир килади?
4. Суратга олиш фактининг процессуал расмийлаштирилиши нимага асосланган?

Адабиётлар:

1. Ҳидоятлов Б. С. Суд фотографияси ва кино-видео тасвирга олиш. Крим-техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
2. Закуцкий А.С. Суд фотографияси ва видео-тасвир ёзуви, криминалистика, дарслик, I ж. Тошкент 2003 й.
3. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 й.
4. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А. ва бошқ. Криминалистика. Дарслик. Тошкент 2005 й.

ТЕРГОВ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА ВИДЕОЁЗУВЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Машғулотдан мақсад:

Замонавий видеоёзув аппаратлари ва тергов ишларида видеоёзувларни қўллаш имкониятлари билан таништириш.

Машғулот режаси:

1. «Электроника ВМ-12» видеомагнитофоно ва видеокамераси тузилиши билан таништириш.
2. Видеоёзув усуллари. Алоҳида тергов ишларини амалга оширишда видеотасвир қўллашнинг хусусиятлари.
3. Видеоёзув қўлланилиши фактини процессуал ва техник расмийлаштириш.

Адабиётлар:

1. Ҳидоятлов Б. С. Суд фотографияси ва кино-видео тасвирга олиш. Крим-техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
2. Закуцкий А.С. Суд фотографияси ва видео-тасвир ёзуви, криминалистика, дарслик, I ж. Тошкент 2003 й.
3. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 й.
4. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А. ва бошқ. Криминалистика. Дарслик. Тошкент 2005 й.

Мавзу: Трасология

ҚЎЛ ИЗЛАРИ

Машғулотдан мақсад:

Қўл изларини топиш, кайд қилиш ва олиш бўйича амалий кўншсмаларни ҳосил қилиш. Воқеа содир булган жойни кўздан кечириш баённомасини тузишда топилган излар хусусиятларини ёзиш.

Машғулот режаси:

1. Папиляр чизикларнинг хусусиятлари ва уларнинг криминалистик аҳамияти.
2. Қўл изларининг криминалистик классификацияси.
3. Папиляр чизикларнинг турлари ва кўринишлари, уларнинг умумий ва хусусий белгилари.
4. Қўлнинг рангсиз тер безларини топиш, кайд қилиш ва улардан нусха олиш усуллари.
5. Қўл изларини экспертиза қилиш учун материалларни тайёрлаш.
6. Дактилоскопик экспертизанинг замонавий имкониятлари.

Керакли ашёлар:

«Папиляр излар турлари» ўқув диафильми, «Дактилоскопик» ва «Қўл излари» видеофильмлари. Папиляр излар турлари тасвирланган суратлар, дактилоскопик конунлар, из нусхасини олувчи турли ўқув йиғмалари, слайдлар, криминалистик лупалар, терговчининг криминалистик комплекти, ёритиш воситалари.

Қўл излари баённомаси тузилаётганда қуйидагилар кўрсатвдиши керак:

1. Из топилган предмет (номи, ранги, юзасининг аҳволи-қурук, нам ва ҳоказо).
2. Ушбу жисмнинг тавсифи (кўриниши, улчами, хусусий белгилари, ранги, юзасининг аҳволи-қурук, нам ва ҳоказо).
3. Жисмдаги изларнинг тушган жойи (кўзгалмас мўлжалга нисбатан жойлашган жойи).
4. Из ўлчамлари (узунлиги ва кенглиги).
5. Изнинг кўриниши (ҳажмли, юзаки).

6. Папиляр изларнинг тури (ёйсимон, айланасимон, сиртмоқсимон).
7. Изнинг ранги (агар из бўялган бўлса).
8. Изни топиш йўли (агар из кукун сепиш ёки буғлантириш йўли билан топилган бўлса, топиш усули кўрсатилади).
9. Изни қайд этиш, олиш ва жойлаш усули.
10. Из суратга олинганми йўқми?

Из топилган пайтда воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасидаги ёзув тахминан шундай бўлади:

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтида китоб жавонининг тўқ рангли ялтирок эшикчаси юзасини қия тушаётган ёруғлик билан кўздан кечирилганда кўзга кам ташланадиган тер безли, қўл излари топилди. Излардан бири эшикчанинг ташқи юзасида, кулф чуқурлигидан 100 мм юқорида ва эшикчанинг юқори чеккасида 120 мм масофада жойлашган, изнинг узунлиги 8 мм, кенглиги 6 мм, изда тирноқ суягининг айлана папиляр излари тасвирга келган.

Иккинчи из китоб жавони эшикчасининг ички юзасида жойлашган бўлиб у олдинги чеккасига туташади. У эшикча юқори қиррасидан 300 мм ва эшикчани ўнг чеккасидан 100 мм масофада жойлашган.

Изларга дактилоскопик мўйқалам ёрдамида алюминий кукуни билан ишлов берилди (кумуш рангда «Зенит» фотоаппарати билан муфассал масштаби сурат олиш усулида, табиий ёруғликда суратга олинган, аппарат кўзгуси «Гедиос-44м», у узайтириш мосламалари билан таъминланган, шундан сунг кора рангдаги дактилоскопик плёнканинг 2 бўлагига кўчирилган, конвертга солинган ва прокуратура муҳри билан муҳрлаб қўйилган. Конверт устига «...китоб жавони эшикчасидан топилган қўл бармок излари тушурилган икки издан нусха олувчи иденга» деб ёзиб, кун.ой.йил. ҳамда терговчи ва гувоҳлар имзолари қўйилган.

Лаборатория машғулоти.

1-топширик;. Қўл изларини топиш мақсадида жисмни кўриб чиқилсин. Махсус кукунни ишлатган ҳолда кам кўринадиган ёки кўринмайдиган изни аниқлансин. Из дактилоскопик плёнкага олинсин. Дактилоскопик плёнкани кўздан кечириш баённомасига қўшиб қўйилсин.

2-топширик. Жисмни ўрганиш баённомаси ва ундаги из кўриниши тузилсин.

3-топшириқ. Гумонсиралаётган шахс из қолдирганлиги шартидан келиб чиқиб, экспетрга из топилганлиги билан боғлиқ саволлар тузилсин. Экспертизага юборилиши керак бўлган материалларни (буюм ва ҳужжатларни) санаб ўтилсин.

ҚЎЛ БАРМОҚЛАРИ ИЗЕНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ.

Қўл излари туширилган доктилоскопик плёнка жойлаштирилган конверт учун жой.

Доктилоскопик экспертиза ҳал қилиши лозим бўлган саволлар:

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) санаб ўтилсин.

Синов саволлари:

1. Трасолологияда қўл излари қандай квалификация қилинади?
2. Қўл изларини топиш учун қандай усуллар қўлланади?
3. Қўл изларини қайд қилиш учун қандай усуллар қўлланади?
4. Қўл излари экспертизаси билан қандай масалалар ҳал қилиниши мумкин?
5. Тергов амалиётида қўл изларидан қандай фойдаланилади?
6. Воқеа содир бўлган жойда топилган қўл изларининг процессуал расмийлаштирилиши қандай?
7. Биринчи марта бўялганидан сўнг ранги йўқолган изнинг йод буғи билан қайта бўяш, шунингдек дактилоскопик қуқун билан уни қайта бўяш мумкинми?

8. Кукун билан бўялган излардан нусха олиш, издан нусха олиш плёнкасини (оч, тўқ ранг) танлаш нимага боғлиқ?
9. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида кўл изларини ёзиш кетма-кетлиги қандай?
10. Одамни солиштириш учун бармоқ кафт қисми териси тузилишининг қандай белгилари кўпроқ муҳим ҳисобланади?
11. Папиляр изларнинг қандай белгилари умумий ва хусусийга киради?

ОЁҚ ВА ПОЙАФЗАЛНИНГ ИЗЛАРИ.

Машғулотдан мақсад:

Оёқ ва пойафзалнинг ҳажмлик ва юзаки изларни топиш, қайд қилиш ва олиш усулларини ўрганиш. Ҳажмлик излардан қолиплар тайёрлаш. Кўздан кечириш баённомасида оёқ ва пойафзал изларини қайд қилиш.

Машғулот режаси:

1. Оёқ ва пойафзал изларининг турлари ва жинойтларни очишда уларнинг аҳамияти.
2. Оёқ ва пойафзал «из йўлчаси» ва унинг криминалистик аҳамияти.
3. Оёқ ва пойафзал изларини қайд қилиш, олиш усуллари.
4. Оёқ ва пойафзал изларини трасологик экспертиза қилиш учун материалларни тайёрлаш.

Керакли ашёлар:

«Оёқ ва пойафзал излари» ўқув видеофильми, слайтлар, терговчининг криминалистик комплекти, рулетка.

Оёқ ва пойафзал изларини қайд қилишда воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

1. жой, вақт, из топилган юзанинг тури (қум, тупроқ, қор, асфальт, ёғоч ёки цеметли пол ва ҳоказо).
2. Из тури (ҳажмли, юзаки).
3. Из шакли (ботинка, туфли, этик, ялангоёқ излари).
4. Из ўлчамлари.
5. Тагчарм хусусий хусусиятлари (ямоқлар, тақалар, мих ва шурплар қалпоғи ва ҳаказо).

6. Юриш элементларини ўлчаш тафсилотлари (қадамнинг узунлиги ва кенглиги, оёқ кафтининг бурулиш бурчаги, бошқа хусусиятлар).
7. Изни аниқлаш ва қайд қилиш усуллари (юзани кукун билан ишлаш, ёпишқоқ плёнкага кўчириш, суратга олиш, чизиш, нусхаларни тайёрлаш).
8. Из олиш усули ва уларни жойлаш.

Из топилганда воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасидаги ёзув тахминан куйидагича бўлади:

«...К.Эргашевга тегишли уй олдидаги томорқадаги юмшатирилган ерда пойафзал изи топилган. Из ўнг оёқ кийими томонидан ҳосил қилинган бўлиб, етарли тиниқ тушган. Изда кафт таги, пошна ва оралик қисм тасвирланиб қолган. Изнинг узунлиги 300 мм., кафт қисмининг нисбатан кенг қисми 110 мм., пошна узунлиги 80 мм., кафтнинг шакли уч қисмининг ўткирлиги ва орқа қисмининг тўқлиги билан ажралиб туради».

Изда иккита дўнглик бор, улар айлана шаклида бўлиб, ўлчамлари 40 мм. ва 12 мм. . Ушбу из туташ масштабни усулда суратга олинган. Кўрсатилган издан қолип олинди, уни полиэтилен қопга солиб, муҳрлаб қўйилди. Полиэтилен қоп картон каробкага солиниб устидан арқонча билан боғланиб «прокуратура терговчиси» муҳри босилди.

Лаборатория иши.

1-топшириқ. Одам пойафзалининг «из йўли» кўриб чиқилсин ва ўрганилсин. Унинг тасвири чизилсин. Оёқ ва пойафзал «из йўли» элементлари номлари кўрсатилсин.

2-топшириқ. Из йўлидаги нисбатан аниқ пойафзал изи ўрганилсин ва унинг чизмада кўриниши қайд этилсин. Пойафзал изи қисмлари номи белгилансин ва керакли ўлчамлари етказилсин.

3-топшириқ. Оёқ изини кўриб чиқиш қайдномаси парчаси тузилсин.

4-топшириқ. Пойафзалнинг ҳажмли изидан гипс қолип тайёрлансин.

5-топшириқ. Гумонсиралаётган шахс пойафзали олинганлиги шартига мувофиқ экспертга изни топилганлиги билан боғлиқ саволлар тайёрлансин. Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюмлар ва ҳужжатлар) саналсин.

Илова: 20__йил «__» _____ воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасига.

Пойафзал из йўли тасвирининг чизмаси

Пойафзал т йўли чизмаси учун жой

- | | |
|---------------------------------|----------|
| 1. Ўнг оёқ қадами узунлиги | _____мм. |
| 2. Чап оёқ қадами узунлиги | _____мм. |
| 3. Қадам кенглиги | _____мм. |
| 4. Ўнг кафтнинг бурилиш бурчаги | _____мм. |
| 5. Чап кафтнинг бурилиш бурчаги | _____мм. |

Пойафзал алоҳида изининг тасвир чизмаси.

Пойафзал алоҳида изининг тасвир чизмаси учун жой.

- | | |
|-----------------------------------|----------|
| 1. Изнинг умумий узунлиги | _____мм. |
| 2. Кафтузунлиги | _____мм. |
| 3. Кафт кенглиги | _____мм. |
| 4. Оралиқ қисм узунлиги | _____мм. |
| 5. Оралиқ қисм кенглиги | _____мм. |
| 6. Пошна узунлиги | _____мм. |
| 7. Пошна кенглиги | _____мм. |
| 8. Пойафзал тагининг хусусиятлари | _____мм. |

Пойафзал из йўлини кўздан кечириш баённомаси.

Трасологик экспертиза ҳал қилиши лозим бўлган саволлар:

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) санаб ўтилсин.

Синов саволлари:

1. Воқеа содир бўлган жойда оёқ ва пойафзал изларини ўрганишда қандай ҳолат вужудга келтирилиши мумкин?
2. Из йўлида юришнинг қандай белгилари тасвирланади?
3. Ялангоёқ ва пойафзал голарини кўриб чиқишда қандай ўлчаш ишлари амалга оширилади?
4. Оёқ ва пойафзал изига қараб одам бўйини қандай аниқлаш мумкин?
5. Қорда, чангда, цементда бўлган пойафзал ва оёқ изларини қайд этишнинг қандай усуллари бор?
6. Оёқ ва пойафзал изларини трасологик экспертиза қилишнинг замонавий имкониятлари.

Мавзу: Автотранспорт воситаларининг излари.

Машғулотдан мақсад:

Автотранспорт воситаларининг ҳажмли ва юзаки изларини топиш, қайд қилиш ва олиш усулларини ўрганиш. Автотранспорт воситалари ҳаракатланувчи қисми изларига қараб унинг ҳаракат йўналишини аниқлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш. Автотранспорт воситалари тури ва ғилдираги турларини аниқлаш. Автотранспорт воситалари ҳажмли изидан гипсли қолиплар тайёрлаш. Кўздан кечириш баённомасида транспорт воситалари изини қайд қилиш.

Машғулот режаси:

1. Автотранспорт воситалари изларининг турлари.
2. Изга қараб автотранспорт воситалари ғилдиракларининг турлари ва ҳаракат йўналишларини аниқлаш.
3. Автотранспорт воситалари изларини қайд қилиш ва олиш усуллари.
4. Автотранспорт воситалари ғилдирак тишлари изларини трасологик экспертиза қилиш учун материалларни тайёрлаш.

Керакли ашёлар:

«Трасология» ўқув видеофильми, слайдлар, терговчининг криминалистик комплекти, турли хилдаги ғилдираклар тишлари тасвири туширилган суратлар.

Ғилдиракли тарспорт воситалари изларини қайд этиш вақтида воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

1. Из топилган юзанинг тури (асфальт, кумли, тупрок, гилли қора тупрок, қор)
2. Юзанинг ҳолати (куруқ, нам, сувли, ғадир-будир ва ҳк.).
3. Излар турлари (статлк, динамик, ҳажмли, юзали позитив, негатив).
4. Изларнинг жойлашган жойи (бурилишда, ҳаракат йўлининг тўғри қисмида).
5. Излар сони ва уларнинг нисбий жойлашуви.
6. Ҳар бир ҳаракат изининг кенглиги (ғилдирак тишларининг кенглиги).
7. Олдинги ва орқа ғилдирак излари кенглиги.
8. Ғилдирак тишлари тасвирини тузиш (ромб, квадрат, тўғри тўртбурчак ва улар биргаликда).
9. Ғилдирак тишлари тасвирининг хусусиятлари, уларнинг шакли ва ўлчамлари, нуқсонларнинг бор йўқлиги (ёриқпар, тешиклар ва ҳк.).
10. Бир хусусиятли нуқсоннинг икки тушган жойи (изи) орасидаги масофа (ғилдиракнинг бир тўлиқ айланиши изи узунлиги).
11. Тормозланиш изи узунлиги.
12. Ҳаракат йўналиши белгилари.
13. Суратга олинганлиги, из тасвири тузилганлиги ва излар режада белгиланганлиги.
14. Излар ва уларнинг нусхаларини олиш ва жойлаш усуллари.

Лаборатория машғулоти.

1-топшириқ. Автотранспорт воситаси изи кўздан кечирилсим ва унинг тасвирий чизмаси бажарилсин. Из йўли катталигини ва ҳаракат йўли кенглиги, ҳаракатнинг йўналиш белгилари кўрсатилсин.

2-топшириқ. Автотранспорт воситалари изини кўздам ксчириш баённомаси тузилсин.

3-топшириқ. Ғилдиракнинг тупрокдаги ҳажмли изидаи гипсли колип тайёрлансин.

4-топшириқ. Тергов ишлари олиб борилаётган ҳодисага машина боғлиқ деган шартга мувофиқ экспертиза изни топиш билан боғлиқ саволлар тузилсин.

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) саналсин.

Илова: 20__йил «__» _____ воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасига.

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЧИЗМАСИ

Автотранспорт изларини чизиш учун жой.

Из кенглиги	_____ мм.
Ғилдиракнинг тегишли қисми кенглиги	_____ мм.
Ғилдиракнинг тўла бир марта айланиш ўлчами	_____ мм.
Автомобиль базаси ўлчами	_____ мм.

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИЗЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ

Трасологик экспертиза аниқлаши лозим бўлган саволлар:

Экспертизага юбориладиган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) санаб ўтилсин.

Синов саволлари.

1. Автотранспорт воситалари ғилдираклари изини ўлчаш қоидалари қандай?

2. Автотранспорт воситалари ҳаракат қисми тормозланиши изларини ўлчаш орқали қандай маълумотларни олиш мумкин?
3. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида воқеа содир бўлган жойда топилган автотранспорт воситалари изларига оид қандай маълумотлар кўрсатилиши керак?
4. Ғилдирак изларидаги қайси белгиларга қараб қандай ғилдирак эканлиги, шунингдек автомобилнинг тури ва маркаси аниқланади?
5. Автотранспорт воситалари изларига оид трасологик экспертизага қандай саволлар қўйилиши мумкин?
6. Автотранспорт воситалари изларини қайд қилишнинг усуллари қандай?

Мавзу: Бузиш қуроллари ва асбоблари излари

Машғулотдан мақсад.

Бузиш қуроллари ва асбоблари изларининг қайд қилиш ва олиш усулларини ўзлаштириш. Жойни кўриб чиқиш қайдномасида бузиш қуроллари ва асбоблари изларини ёзиш тартибини ўрганиш.

Машғулот режаси.

1. Бузиш қуроллари ва асбобларининг турлари, уларнинг классификацияси.
2. Бузиш қуроллари ва асбоблари изларини топиш, қайд қилиш ва олиш усуллари.
3. Бузиш қуроллари ва асбоблари изини экспертиза қилиш учун материалларни тайёрлаш.

Керакли ашёлар.

Турли конструкцияли қулфлар, дурадгорлик ва созлаш асбоблари терговчининг криминалистик комплекти, бузиш қуролларининг тажрибали излари йиғими.

Қулфни тавсифлашда кўздан кечириш баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

1. Қулфнинг тури (осма, ўйиб киритиладиган, устидан қўйилган)
2. Ёрлик белгиларнинг борлиги(фабрика, завод белгиларнинг номи).
3. Ёпиш мосламасининг тузилиши (сувальд, цилиндр шаклидаги).
4. Қулфнинг шакли (овал, думалоқ, квадрат, тўртбурчак).

5. Қулфнинг ўлчами (узунлиги, баландлиги).
6. Қулфлаш механизмининг аҳволи (соз, корпуси бузилган....).
7. Бузиш қуролларининг изи бор-йўклиги ва уларнинг тавсифномаси (кулф корпусининг қайси қисмида, унинг шакли ва ўлчами).
8. Жойлашиш усули.

Қулф топилган пайтда воқеа жойини кўздан кечириш баённомасидаги ёзув тахминан шундай бўлади:

Йўлакча полида, эшик остонасидан 1,5 метр масофада, чап плинтусдан 15см. масофада осма кулф ётибди. У тўғри бурчакли шаклга эга. Қулфнинг ўлчами ясси жой бўйича 10,5см. ва тиккасига 11,5см.. кулф усти қора бўёқ билан бўялган. Олд ёпинмасида 1 сўм 50 тийин деб ёзилган тамға бор.

Қулф зулфи очиқ кўринишда. Унинг ёпилувчи чекка қисмида ригел учун тешикча бўлиб у шикаст еган. Дужканинг иккинчи учи қоробкага ўк бўйича маҳкамланган. Қоробкада қўл излари топилмади. Зулфнинг ёпилувчи учининг ички қисмида ригел тешикчаси билан зулф чеккасида параллел жойлашган тилинган қўш из бор. Бу тилинган жойлар ўзига хос металл тобланишини кўрсатади. Қулфнинг ёпиш қисми механизми синчиклаб ўрганилганда тешикнинг юқори қисмида ригелнинг ёпиш қисми бирмунча эгилган.

Лаборатория машғулоти.

1-топшириқ. Қулф ва ундаги бузиш қуролларидан қолган излар бор ёки йўклиги кўриб чиқилсин (осма, ўйиб киритилган ва ҳ.к). 2-топшириқ. Кўздан кечириш баённомаси тузилсин. 3-топшириқ. Бузиш қуролларидан қолган из бўлган кулфнинг (ҳодиса содир бўлган жойдан топилган) олингани муносабати билан экспертга саволлар тайёрлансин.

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) санаб ўтилсин.

ҚУЛФ ВА БУЗИШ ҚУРОЛЛАРИДАН ҚОЛГАН ИЗЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ.

Бузиш куроллари ва улардан қоладиган излар юзасидан трасологик экспертиза ҳал қилиши лозим бўлган саволларни тайёрлаш:

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) санаб ўтилсин:

Бузишдан қолган изларни қайд этишда кўздан кечириш баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

1. Из ҳосил бўлган жисмнинг номи (эшик, ойна, девор, пол, кулфлаш мосламаси ва ҳоказо).
2. Жисм тайёрланган материал (ёғоч, темрф, ғишт, сувоқ...).
3. Изнинг тури (арраланган, чопилган, сиқилган ва).
4. Изнинг шакли (думалоқ, овал, квадрат, учбурчак, тўғри бурчакли).
5. Унинг ўлчами (кенглиги, чуқурлиги, узунлиги).
6. Изнинг жойлашиши (икки қўзғалмас нуктага нисбатан жойлашуви).
7. Изнинг характерли хусусиятлари, шунингдек унда ўзга моддаларнинг бор-йўқлиги (занг, бўёқ, ёғли моддалар ва ҳоказо).
8. Изларни олиш ёки нусха кўчириш усуллари, шунингдек, жисмни жойлаш усуллари.

Бузиш излари топилган пайтда уни кўздан кечириш баённомасидаги ёзув тахминан шундай бўлади:

«...Эшикнинг кулфланадиган қисмининг олд томонидаги материали ҳаворанг бўёқ билан бўялган, ташқи томонидан 109 см. баландликда ва эшикнинг чекка қиррасидан 4 см. масофада тўғри бурчакли шаклдаги эзилган из жойлашган. Унинг ўлчамлари 24,24 ва 18,18 мм. Изнинг ўнг қисми чап томонига нисбатан 7 мм.га кўпроқ эзилган бўлиб, у эшикнинг чап қисми томонга йўналган. Изнинг чуқурлик қисмидаги (тубидаги) кўриниш ясси бўлиб тўқ жигарранг кўринишдаги модда билан қопланган. Из икки томондан

(юкоридан ва қуйидан) сурагга олинди. Шундан сўнг пластилин ёрдамида из нусхаси (қолип) тайёрланди.

Издан олинган нусха (қолип) алохида қоғоз кутига жойланди ва қуйидагича ёзилди:

«Қолип фуқаро А.нинг хонадонига кириш эшигидаги издан 1989 йил 17 майда тайёрланди...». Қути терговчининг сўргичли муҳри билан муҳрланган.

Лаборатория машғулоти.

1-Топшириқ. Бузиш излари бўлган объект кўздан кечирилсин.

2-Топшириқ. Кўздан кечириш баённомаси тузилсин.

3-Топшириқ. Бузиш қуролларидан қолган излар топилиши билан боғлиқ экспертга саволлар тайёрлансин. Экспертизага юборилиши лозим бўлган жисмлар (материал ва ҳужжатлар) саналсин.

БУЗИШ ҚУРОЛЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ.

Бузиш қуроллари ва улардан қолган изларнинг трасологик экспертизасини тайинлашда эксперт олдига қўйиладиган саволлар:

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) санаб ўтилсин.

Бузиш қуролларини кўздан кечириш баённомасини тузишда қуйидагилар кўрсатилсин:

1. Жисмнинг номи.
2. Жисмнинг шакли (цилиндр, тўғри бурчакли).
3. Ранги.
4. Ўлчами (узунлиги, кенглиги, баландлиги, диаметри).
5. Фабрика ёрлиғи, белгилари.
6. Шахсий хусусиятлари (ёзилган жойлари ва ҳоказо).

7. Жойлашиш усули.

Бузиш қуроли топилган пайтда кўздан кечириш баённомасидаги ёзув тахминан шундай бўлади:

"...Ёрдамчихонанинг полида эшик остонасидан 500 мм. масофада ва очик эшик бурилишидан 300 мм. масофада айланма юзли (кесимли) узунлиги 450 мм. диаметри 2,5 см. бўлган металл жисм ётибди. Унинг бир учи ўткир учлидир. Иккинчи қисми эса текис. Текис томони юзасида қора рангдаги ўзга модданинг парчалари (қолдиқлари) бор. Стержен юзасининг айрим жойларида металлнинг коррозияси излари бор. Стержен "Зенит" фотоаппарати ёрдамида масштабни усулда суратга олинган.

Лаборатория машғулоти.

1-Топшириқ. Бузиш қуроли кўздан кечирилсин. 2-Топшириқ. Бузиш қурулини кўздан кечириш баённомаси тузилсин.

БУЗИШ ҚУРОЛИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ.

Синов саволлари:

1. Бузиш қурулларининг излари уларнинг пайдо бўлиш механизми бўйича қандай турланади?
2. Танлаб ишлатилган калит ва отмичкалар таъсирида қандай излар қолади?
3. Бузиш қурулларининг изларига қараб бузиш қайси томондан содир этилганлигини аниқлаш мумкинми?
4. Экспертга бузиш қуруллари, бузилган тўсиқлар, қулфни экспертиза қилиш қарорида нималар кўрсатуюши керак?

Адабиётлар:

1. Суяров Қ. Суд трасологияси, криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
2. Суяров Қ. Криминалистик трасология. Криминалистика ларслиги I жилд. Тошкент-2003 й.
3. Алимова Р., Атаходжаев С. Криминалистика экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш ўқув қўлланма. Тошкент-2001 й.

4. Норбоев. Криминалистика схемаларда, ўқув қўлланма. Тошкент-2002 й.
5. Яблоков Н.П. Практикум по криминалистике. Учебное пособие. М. Бек. 1995 г.
6. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2004 й.

Мавзу: Суд баллистикаси. Кесма ўқ отиш қуролини қўздан кечириш ва тавсифлаш.

Машғулотдан мақсад:

Ўқ отиш қуроли классификацияси билан танишиш. Суд баллистик қидируви объекти бўлган ўқ отиш қуролига нисбатан олиб бориладиган ишлар тартибини ўрганиш. Қуролни қўздан кечириш баённомасида тавсифлаш.

Машғулот режаси:

1. Суд баллистикаси тушунчаси ва унинг умумий асослари.
2. Ўқ отиш қуролини қўздан кечириш ва ҳодиса содир бўлган жойда унга нисбатан олиб бориладиган ишлар тартиби.
3. Ўқ отиш қуролнинг из ҳосил қилувчи қисмлари
4. Суд баллистика экспертизаси ўтказиш учун материалларни тайёрлаш.

Керакли ашёлар:

Қисқа стволли ўқ отиш қуроллари бўйича қўлланмалар. «ўқ отиш қуролини тергов қилиш жараёнида қўриб чиқиш» ўқув диафильми, планшетлар қурол-аслаҳаларнинг турли ўлчамлари штангенциркуль, микроскоплар, криминалистик лупалар, ўқ отиш қуроллари тузилиши чизмалари.

Ўқ отар қуролни тавсифлаб ёзишда қўздан кечириш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

1. Қуролнинг тури(пистолет,револьвер, қўлда ясалган қурол, қирқма).
2. Пистолетнинг тури (Макаров, Карабин, «ТК», «ТТ» пистолетлари).
3. Калибри (7,62; 5,6; 6,35; 7,65; 8 ; 9; 5,45)
4. Бروجичнинг ҳолати (отишга шай ҳолатда, сақлагичда)
5. Қуролнинг рақами ва чиқарилган йили, белгилари, ёзувлари)
6. Ўққонда ўқнинг бор-йўклиги?

7. Ствол кувури ҳолати (ифлосланган, тоза, тўла, бўш, жойланганми)
8. Ички ва ташки юзасида емирилишлар борми, айрим жисмлар йўқолганми?
9. Қўл бармоклари изларининг бор-йўқлиги, уларнинг жойлашиши.
10. Суратга олинганми-йўқми?
11. Қуролнинг ўзгартирилганлик белгилари борми?
12. Ўқ отиш қуролининг жойлашиш усули.

Лаборатория машғулоти

1-топшириқ. Ўқ отиш қуроли кўздан кечирилсин.

2-топшириқ. Ўқ отиш қуролини кўздан кечириш баённомаси тузилсин.

3-топшириқ. Қуролнинг суд баллистик экспертиза қилиниши муносабати билан эксперт олдига қўйиладиган саволлар тузилсин. Экспертизага юбориладиган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) санаб ўтилсин.

ЎҚ ОТИШ ҚУРОЛИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ.

Қуролни суд баллистик экспертизаси ўтказиш учун эксперт олдига саволлар қўйилсин:

Экспертиза қилиниши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) саналсин:

ҚУРОЛ-АСЛАҲАЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИДА ТАВСИФЛАШ

Машғулотдан мақсад:

Замонавий қурол-аслаҳалар классификацияси билан танишиш, отилган ўқ ва гильзаларни топиш, қидириш кўникмаларни ҳосил қилиш, ўқ ва гильзаларни кўриб чиқиш ва уларни олиш. Қурол-аслаҳаларни тавсифлаш (ўқдар, гильзалар, дроблар ва бошка таркибий жисмларни суд баллистик экспертиза объекти сифатида кўздан кечириш баённомаси).

Машғулот режаси:

1. Силлиқ стволли ва қирқма қуролга, аслаҳаларнинг тузилиши ва классификацияси.
2. Силлиқ стволли ва қирқма қуролга аслаҳаларни кўздан кечириш.
3. Отилган ўқ ва гильзалардаги қурол излари.
4. Суд баллистик экспертизасини ўтказиш учун материалларни тайёрлаш.

Керакли ашёлар:

Қурол-аслаҳалар бўйича қулланмалар, «қурол-аслаҳаларни тергов ишларида кўриб чиқиш» ўқув диафильми, планшетлар, коллектив тўпламлари, штангенциркуллар, микроскоплар, криминалистик лупалар, қурол-аслаҳаларнинг тузилиш чизмалари.

Ўқни кўздан кечириш баённомасини тузишда қуйидагилар кўрсатилади:

1. Унинг тури(қобиқли, ярим қобиқпи, қобвдсиз)
2. Ўқ металининг ранги, бош қисмида бўёкнинг борлиги (йўқлиги).
3. Унинг шакли (ўткир учли, цилиндр қобиқли, ясси учли...)-
4. Шаклнинг хусусиятлари (дум, қуйруқ қисмининг борлиги, юза тузилиши).
5. Ўқ ўлчами (узунлиги, диаметри).
6. Гильзага мустаҳкамлаш белгиларининг борлиги (эзилган ва ҳоказо).
7. Ўқ юзасида марка белгиларининг борлиги (йўқлиги)

8. Диформациянинг борлиги ва хусусияти (диформацияланган қисм, қобик ёрилган, қобикдан сорпичник чиқиб кетган, чўзилган).
9. Ўқ юзасида ўзга моддаларнинг бор-йўқлиги (ойнанинг зарралари, қонга ўхшаш, толага ўхшаш зарралар).
10. Қирқма майдонидаги излар йўналиши ва сони.
11. Ўқни жойлаш усули.

Ўқ отилган пайтда ўқни кўздан кечириш баённомасидаги ёзув тахминан шундай бўлади:

.... ўқ деразадаги ёриқдан чиқариб олинди. Хонанинг чап бурчагидан 88 см. ва полдан 125 см. масофада. Ўқ ўткир учли шаклга эга бўлиб, кубиксимон қизғиш рангдаги металлдан. Ўқнинг узунлиги 18 мм. Диаметри 8'мм. Ўқ юзасида қирқма майдонидан тушган унга кайрилган тўртта из бор.

Унинг бош қисмида турли чуқурликдаги тартибсиз жойлашган тилинган жойлар бор. Ўқ пахта солинган гугурт қутисига жойлашган. Қути ок қоғоз билан ўралиб, ип билан боғланган, муҳрланган ва матн ёзув қилинган....

Лаборатория машғулоти.

1-топшириқ. Отилган ўқ кўздан кечирилсин.

2-топшириқ. Ўқни кўздан кечириш баённомаси тузилсин.

3-топшириқ. Ўқ отиш қуроли ва аслаҳаларини суд-баллистик экспертизаси ўтказилиши учун экспертга саволлар тузилсин. Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) саналсин.

ЎҚНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ

Қуроллар ва аслаҳалар суд баллистик экспертизаси хал қилиши лозим бўлган саволлар:

Гильзани кўздан кечириш баённомада қуйидагилар ёзилади:

1. Тури (пистолетники, револьверники,винтовканики, ов милтиғиники)
2. Шакли (шишасимон, цилиндр).
3. Ўлчамлари (узунлиги,диаметри). Шишасимонларда алоҳида узунлиги ва ички йўли ва ҳоказо).
4. Қалпоқ қисмининг тузилиши (чеккаси тушиб турувчи, аксинча айланма йўлли ва ҳоказо).
5. Қалпоқнинг ўлчамлари (қалпоқнинг диаметри).
6. Гильза тайёрланган материал (мис, пулат, картон ва ҳоказо).
7. Гильзанинг ранги.
8. Пистолетнинг ранги.
9. Пистоннинг тузилиши (алоҳида пистон, тўлиқ юзали пистон).
- 10.Қалпоқдаги марка белгиси (калибр, чиқарилган йили, корхона маркаси, ҳарфлар юлдузлар, махсус белгилар).
- 11.Ўқнинг гильзага бириктирувчи усули, кесма куролда (тўла юзали, сиқилган тасмасимон, икки нуқтали, уч нуқтали, зич ўрнатилган...)
- 12.Жойлаш усули (ҳар бир гильза алоҳида жойланади).

Лаборатория машғулоти.

1-Топшириқ. Воқеа содир бўлган жойдан топилган отилган гильза кўриб чиқилсин.

2-Топшириқ. Гильзани кўздан кечириш баённомаси тузилсин.

3-Топшириқ. Экспертга ўқ отар куроллар ва аслаҳалар суд баллистик экспертиза қилиниши муносабати билан саволлар тайёрлансин.

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) санаб ўтилсин.

ГИЛЬЗАНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ

Курол ва аслаҳаларни суд-баллистик экспертиза қилишда эксперт ҳал қилиши лозим бўлган саволлар:

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) саналсин:

**Мавзу: ЎҚ ОТИЛИШ НАТИЖАСИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН
ИЗЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ВА ТАВСИФЛАШ. ЎҚ
УЗИЛГАН ЖОЙНИ АНИҚЛАШ.**

Машғулотдан мақсад:

Ўқ отилиши натижасида ҳосил бўлган изларни кўздан кечириш ва ўқ узилган жойни аниқлаш усуллари билан амалда танишиш ўқ отилиши натижасидаги изларни топиш ва қайд қилиш услублари билан танишиш. Ўқ отилиши натижасида қолган излар бўлган объектларни тавсифлаш кўникмалари ҳосил қилиш.

Машғулот режаси:

Тўсиклардаги ўқ отилиш натижасида қолган изларнинг дифференцияси, ўқ таъсиридаги шикастланиш белгилари. Ўқ узиш масофасини тавсифловчи белгилар

Ўқнинг учиш йўлини аниқлаш усуллари. Ўқ отган одамнинг турган жойини аниқлаш усуллари.

Ўқ излари бўлган объектларни кўриб чиқиш, қайд этиш ва олиш.

Керакли ашёлар:

Турли маркадаги ўқ отиш қуроли ва турли масофалардан ўқ отишда ҳосил бўлган тажрибавий ўқув нишонлари. «ўқ отиш излари» ўқув видеофильми, терговчининг криминилистик комплекти, микроскоплар, криминалистик лупалар. Ўқ излари бўлган суд баллистик экспертизаси бўйича кузатув режаси ишлаб чиқиш.

Ўқ отиш натижасида ҳосил бўлган излари топилган ҳолларда ўқдан қолган изларни кўздан кечириш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

1. Ўқ излари бўлган тўсиқнинг материали (ойна , ёғоч , қурук тахта, металл лист, газлама ва ҳоказо).
2. Ҳосил бўлган тешикнинг тури (ўқдан, дробдан)
3. Ҳосил бўлган тешикнинг ўлчами ва шакли. (айлана, овал, «Т» шаклида, крест шаклида ва ҳоказо).
4. Тешикнинг ўқ кириш қисмидаги кўшимча излар, ранги ва ўлчамлари (куйишлар, парчаланишлар, ёриқлар ва ҳоказо.)-
5. Ўқнинг кириш тешигидаги излар (уларнинг шакли ва ўлчамлари, санчиқлар, майда ёриқлар бўлган тешик чеккалари, толаларга ажралиш ва ҳоказолар).
6. Ўқ излари бўлган жисмни жойлашиш усули.

Лаборатория машғулоти

1-топшириқ. Ўқ излари бўлган объектлар кўриб чиқилсин.

2-топшириқ. Ўқ излари бўлган объектларни кўздан кечириш баённомаси тузилсин.

3-топшириқ. Хонарнинг план чизмаси чизилсин. (масштабли), ясси ва тик кесмаларда ва тешик бўйича аниқланган ўқнинг учиш йўли давом эттирилсин.

ЎҚ ИЗЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ КЎРИНИШИ

Илова: 20__йил «__»_____ Ўқ изларини кўздан кечириш баённомасига

Ясси ва тик кесимларда хонанинг масштабли
режасини чизиш учун жой

Хонанинг тик кесимдаги кўриниши.

а,б, - ўқ топилган жой белгиси, в,г - ойнадаги
ўқ кирган жойлар, Аа,Вб — ўқнинг учиш линияси.

Ўқ отиш масофаси аниқлангани туфайли суд-баллистик экспертизаси ўтказишда экспертга ҳал қилиниши лозим бўлган саволлар:

Илова: 20__йил «__»_____ Ўқ изларини кўздан кечириш баённомасига

Экспертизага юборилиши лозим бўлган материаллар (буюм ва ҳужжатлар) саналсин:

СИЛЛИҚ СТВОЛЛИ ОВ ҚУРОЛЛАРИ АСЛАХАЛАРИ ВА ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ТАВСИФЛАШ.

Сочмани тасвирлашда кўздан кечириш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади.

1. Шакли (думалоқ, шарсимон, овал, ноксимон, томчисимон, айланма тасманинг бор йўқлиги, чеккалар ўткир нотўғри шакл — «сечка», чеккалари тах қилинган - «катенка», узилган михлар ва ҳоказо.
2. Сочманинг ўлчамлари (диаметри, узунлиги ва нотўғри шаклдаги сочма учун диаметри).
3. Гильзанинг ранги ва ҳолати (ялтирок, ғовакли, донатор, ўзга модданинг қатламланганлиги борми- йўқми)
4. Деформациянинг бор-йўқлиги ва хусусиятлари, шунингдек изларнинг (тўсиқ рельефи) бор-йўқлиги.

Сочмани кўздан кечириш баённомасининг тахминий тавсифи:

... Уйнинг шимолий деворида, полдан 120 см масофада, сочма ўтган жойдан деразанинг пастки бурчагигача бўлган ораликдаги 110 мм масофада айлана шаклдаги жойдан 18 та дроб олинди. Кулранг рангда. Унинг шакли шарсимон. Диаметри 2-2,2 мм ораликдадир, сочмаларнинг аксарият кисми тах қилинган кўринишда. (сочма «катенка»).

Сочма қоғозга ўралган ҳолда пробиркага жойланган. Унинг усти ёпилиб «ёғоч» типигаги тасма билан муҳрланган. Пробиркада куйидаги мазмунда кузатув ёзуви бор: « 1990 йил 4-июлда, Ленин номи кўчадаги 99-уй деворидан сочмалар олинган, сони 18 дона».

Пижлар топилган вақтда кўздан кечириш баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

1. Топилган жойи.
2. Пиж материали.
3. Шакли ва ўлчами.
4. Пижнинг хусусиятли белгилари, қоғоз парчаларининг шакли, босмаҳона ва кўл ёзувларининг бор-йўқлиги, унинг мазмуни ва ҳоказо.
5. Пижда ўзга моддаларнинг борлиги(ифлос, капот ва хрказо).
6. Пиж ранги.
7. Жойлашиш усули.

Пижни кўздан кечириш баённомасида пижни тавсифлашдаги ёзув тахминан шундай бўлади:

«... Уйнинг ғарбий деворида жойлашган ойнадан 2м 60 см. масофада, ерда, дарахтдан 3 мм. 50 см. масофада қоғоз пиж топилди.

У тўғриланганида газета қоғозидан тайёрлангани аниқланди. Қоғоз бўлагининг ўлчами 9,5х9,5 мм. Рўзнома қоғозининг чеккалари нотекис, титилган. Унинг иккала томонида типографик ёзув бор:

«пешеходи...паснос..., иккинчи томонида — «Перос.слажен...». Қоғознинг чекка қисмларида ўйилиш излари бор. Пиж тайёрланган рўзнома қоғоз бўлаги тўғриланиб, конвертга жойланди ва «Прокуратура терговчиси муҳри билан муҳрланди. Конверт устига: Воқеа содир бўлган жойдан 4.12.1989 йил олинган пиж ...терговчи ва гувоҳларнинг имзолари» каби ёзувлар ёзилади.

Лаборатория машғулоти.

- 1-Топшириқ. Сочма кўздан кечирилсин.
- 2-Топшириқ. Сочмани кўздан кечириш баённомаси тузилсин.
- 3-Топшириқ. Пиж кўздан кечирилсин.
- 4-Топшириқ. Пижни кўздан кечириш баённомаси тузилсин.

СОЧМАНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ

ПИЖНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ БАЁННОМАСИ

Синов саволлари.

1. Ўқ отишдан шикастланган пижлар, ўқ, гильзалар, курулларни тавсифлашда кўздан кечириш баённомасида нималар кўрсатилиши керак?
2. Суд баллистик экспертизаси ўтказиш учун материалларни тайёрлаш нимага асосланган?
3. Қўлбола сочма ўқ қандай тайёрланган?
4. Сочма ўқ картечларини тадқиқ қилишда қандай усуллар қўлланилади?
5. Қандай белгиларга асосланиб, ўқ қандай масофадан отилганлигини билиш мумкин?
6. Қандай белгига қараб тўсиқдаги кириш ва унинг чиқиш
7. тешикларининг жойи ҳақида фикр юритиш мумкин?
8. Ўқ узилган жойни аниқлаш учун қандай усуллардан фойдаланилади?

Адабиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик. Тошкент-2003 йил
2. Алимова Р. Криминалистик баллистика. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент-2003 й.
3. Ишниязов.Қ.А., Кулиев.Ш Суд баллистикаси. Наманган-1998 йил.
4. Аҳмедов Д. Суд баллистикаси, криминалистика техникаси ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
5. Алимова Р., Атаходжаев С. Криминалистик экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масалалари. Ўқув қўлланма. Тошкент-2001 й.
6. Белкин Р.С. Криминалистика. Учебник. Норма. Москва-2000 г

ҲУЖЖАТЛАРНИ, ҚЎЛЁЗМА МАТНЛАРНИ КРИМИНАЛИСТИК ТЕКШИРИШ.

Машғулотдан мақсад:

Техник аслахалар ва оптик асбоблар ёрдамида ҳужжатларни ясамалиги белгиларини аниқдаш техникасини амалда эгаллаш.

Ҳужжатларни техник-криминалистик тадқиқ қилиш усуллари ўзлаштириш. Экспертиза жараёни давомида ҳал қилиниши лозим бўлган саволларни туза олиш. Экспертизага юбориладиган материалларни тайёрлаш. Ҳужжатлар - ашёвий далил билан мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, кўздан кечириш баённомасида ҳужжатлар ва ашёвий далилларнинг тавсифини ёритиш.

Машғулот режаси:

1. Ҳужжат ёзувнинг ёзилиш усули (қўлёзма, босма, машинка ёзувида)
2. Ёзув ранги (сиёҳ, қалам, фломастер)
3. Мухр (гербли, ташкилот муассасага қарашли махсус юзали, сиёҳнинг ранги, жойлашуви).
4. Мухрнинг шакли (учбурчак, тўртбурчак, квадрат).
5. Ҳужжатларни криминалистик таҳлил қилиш турлари ва тушунчаси.
6. Ҳужжатларни тергов жараёнида кўздан кечиришда ишлатиладиган техник ашёлар ва усуллар.
7. Ҳужжатларни ясамалигини аниқлашчи белгиларни топиш услублари.
8. Ҳужжатларни техник-криминалистик тадқиқ қилиш учун материалларни тайёрлаш.

Адабиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик. Тошкент-2003.
2. Н.Я.Яблоков. Ҳужжат материалларини криминалистик тадқиқ қилиш.
3. Алимова Р. Ҳужжатларни криминалистик текшириш, криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
4. Абдумажидов Г.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н. ва бошқалар. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент 2003 й. ҳужжатларни крим-техникаси асосида текшириш боби.

5. Алимова Р. Қўлёзма мантиларни криминалистик усулда текшириш. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2003 й.

**Мавзу: Қалбакилаштирилган ҳужжатларни кўздан кечириш.
Қалбакилаштиришнинг белги ва аломатларини аниқлаш.**

Машғулотдан мақсад:

Қўлёзманинг ўзига хос зарурий белгиларини аналлиз қилиш ва қўлёзмаларни солиштирма тадқиқ қилиш методикаси билан танишиш. Қўлёзмани экспертизага юбориш, уни тайёрлаш ва баҳолаш усулларини ўзлаштириш.

Машғулот режаси:

1. Суд хатшунослик экспертизаси.
2. Қўлёзмага асосланиб одам идентификациясининг илмий асослари.
3. Қўлёзмаларнинг солиштирма белгиларининг турланиши
4. Суд хатшунослик экспертизаси ва унинг замонавий имкониятлари.

Керакли ашёлар:

Қўлёзма ҳужжатлар, криминалистик лупалар, микроскоплар.
Синов саволлари:

1. Нутқ, хат, қўлёзма нима?
2. Қўлёзма қандай шаклланади?
3. Хат ва қўлёзманинг қандай солиштирма белгилари бор?
4. Ёзма нутқи ва қўлёзмасига қараб киши шахсини аниқлашнинг қандай илмий асослари бор?
5. Солиштирма тадқиқ қилишга кўрсатилаётган қўлёзмалар намуналарига қандай талаблар қуйидади?

Адбиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик. Тошкент 2003.
2. В.П.Власов. Ҳужжатларни дастлабки тадқиқ қилиш ва тергов жиҳатдан кўриб чиқиш. Москва 1985 йил.
3. Алимова Р. Ҳужжатларни криминалистик текшириш, криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.

4. Абдумажидов Г.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н. ва бошқалар. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент 2003 й. хужжатларни крим-техникаси асосида текшириш боби.
5. Алимова Р. Қўлёзма мантларни криминалистик усулда текшириш. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2003 й.

Мавзу: ОДАМЛАРНИНГ ТАШҚИ ҚИЁФА БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ.

Машғулот мақсади:

Талабалар томонидан инсон ташқи кўринишини тавсифлаш белгилари ва турланиш тартибини ўзлаштирилиши.

Қидириладиган шахснинг ташқи кўринишини тавсифлаш учун зарур кўникмаларни ҳосил қилиш.

Машғулот режаси:

1. Одамни ташқи кўриниши белгиларига қараб аниқлаш вазифалари ва аҳамияти.
2. Ташқи белгиларни тавсифлаш тартиби.
3. Қидирув, оператив ва тергов ишларида сўздан тикланган инсон кўриниши методикасини қўллаш.
4. Таниш учун тасвир ва сўздан тикланган инсон кўриниш методикаси бўйича одамни тавсифлаш.
5. Суд-портрет экспертизасини ўтказиш учун материаллар тайёрлаш.

Керакли ашёлар:

Сўздан олинган портрет, таниш учун тайёрланган сурат, фотосуратлар.

Лаборатория машғулоти.

1-Топпириқ. Таниш учун тайёрланган сурат тасвирига асосан сўздан тиклаш методи бўйича инсонни тавсифлансин.

2-Топпириқ. Суд-портрет экспертизаси белгиланиши муносабати билан экспертга саволлар тайёрлансин.

Умумий белгилар:

Жинси _____	Миллати _____
Ёши _____	Юз тури _____

II. Ташқи кўриниш элементлари:

т-р	Тавсифланаётган ташқи элемент	Белгилар			
		ўлчами	шакли	ҳолати	хусусияти
1.					
2.					
3.					

III. Функционал белгилари.

Суд-портрет экспертизаси ҳал қилиши лозим бўлган саволлар:

3-Топшириқ. Сўздан кўринишни тиклаш ёрдамида гуруҳдан кетган одам ташқи кўриниши тавсифлансин.

Синов саволлари:

1. Шахснинг қандай белгилар гуруҳи унинг шахсини тиклаш имкониятини беради?
2. Анатомик (статик), динамик ва алоҳида белгилар деганда нима тушунилади?
3. Фототасвирдаги тавсифларни солиштира тадқиқ қилиш қандай хусусиятли белгиларга асосланиб ўтказилади?
4. Сўздан олиб тикланадиган портрет усулида инсоннинг ташқи белгилари ҳақида маълумот йиғиш деганда нима тушунилади?

Адабиётлар:

1. Криминалистика. Дарслик. Тошкент 2003.
2. Алимова Р. Шахснинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказиш, криминалистик техникаси. Тошкент-1999 й.
3. Криминалистика тактикаси. Тошкент — 2000 йил
4. Криминалистика техникаси. Тошкент — 1999 йил.
5. Алимова Р., Атаходжаев С. Одамнинг портрети асосида идентификациялаш, ўқув қўлланма. Тошкент-2001.

6. Кирсакова Л., Земин А. Криминалистическая фото-портретная экспертиза. Москва-1991 г.
7. Топорков А. «Словесный портрет» практическое пособие. Москва «Юрист» 1999 г.

Мавзу: КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ. РЎЙХАТГА ОЛИШ УСУЛЛАРИ.

Машғулот мақсади:

Жиноий рўйхат тартибининг назарий йўл-йўриklarини тушунтириш. Жиноятларни фош этишда криминалистик рўйхатга олишнинг замонавий имкониятлари.

Машғулот режаси:

1. Жиноий рўйхатнинг вазифалари ва тушунчаси.
2. Жиноий рўйхатнинг турлари.
3. Криминалистик рўйхат, маълумот-кидирув тармоklarининг қўлланиши.
4. Ички Ишлар органларида криминалистик рўйхат олиб бориш ва унинг жиноятларни тергов қилиш ва фош этишдаги аҳамияти.
5. Жиноий қайд қилишнинг ривожланишидаги муаммолари, анъаналари, келажаги.

Керакли ашёлар:

Дактилоскопик карталар, алфавит карточкалари, шахси аниқланмаган жасадлар карталари, турли криминалистик объектлар хисоби бўйича мавжуд карточкалар.

Лаборатория машғулоти.

1-Топшириқ. Жиноий рўйхатни усуллари ва асосий шакллари кўрсатинг.

2-Топшириқ. Жиноий рўйхатнинг вазифаларини аниқланг.

3-Топшириқ. Криминалистик рўйхатга олиш объектларини санаб ўтинг.

КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТГА ОЛИШ ШАКЛЛАРИ.

- | | |
|----------|----------|
| 1. _____ | 3. _____ |
| 2. _____ | 4. _____ |

КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТГА ОЛИШ ВАЗИФАЛАРИ.

- | | |
|----------|----------|
| 1. _____ | 3. _____ |
| 2. _____ | 4. _____ |

ҚАЙД ЭТИШ УСУЛЛАРИ.

- | | |
|----------|----------|
| 1. _____ | 3. _____ |
| 2. _____ | 4. _____ |
| 5. _____ | 6. _____ |

КРИМИНАЛИСТИК РЎЙХАТГА ОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ

- | | |
|----------|-----------|
| 1. _____ | 3. _____ |
| 2. _____ | 4. _____ |
| 5. _____ | 6. _____ |
| 7. _____ | 8. _____ |
| 9. _____ | 10. _____ |

4-Топшириқ. Дактилоскопик карта тўлдирилсин. Бармоқ изларининг тасвирига қараб папиляр кашталар типи ва тури аниқлансин.

Синов саволлари:

1. Жиноий рўйхатнинг усуллари ва асосий шаклларини кўрсатинг.
2. Жиноий рўйхатнинг турлари ва вазифаларини айтинг?
3. Сизга жиноий рўйхатнинг қандай шакллари маълум?

Адабиётлар:

1. Абдумажидов Г. Криминалистик рўйхатга олиш. Криминалистика.
2. Дарслик, I жилд. Тошкент - 2003 йил.
3. Криминалистика тактикаси. Тошкент — 2000 йил
4. Норбоев А. Жиноий рўйхат. Криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма Тошкент - 1999 йил.
5. Норбоев А. Криминалистика схемалар. Ўқув қўлланма. Тошкент -2002 й.
6. Овсянников М. Криминалистическая регистрация. Учебник криминалистики. Москва-2000 г.

III БЎЛИМ.

ТЕРГОВ ТАКТИКАСИ

Мавзу. Терговни планлаштириш ва версия тузиш.

Машғулот режаси:

1. Терговни режалаштириш тушунчаси ва тергов версиясининг аҳамияти.
2. Тергов версиясининг классификацияси.
3. Версияни тузиш ва текшириш жараёни.
4. Версияни тузиш ва текшириш қоидалари.
5. Тергов планларининг тушунчаси, аҳамияти ва элементлари.
6. Тергов режаларининг принциплари.
7. Режаларнинг турлари.
8. Айрим турдаги жиноятларни тергов қилиш ҳаракатларини олиб бориш ва махсус режалаштириш жиноятни фаситлик ҳаракатига қараб.
9. Кўп эпизодли жиноятларни характерига қараб ўзига хос махсус режалаштириш.
10. Тергов режаларининг тузллиш техникаси.
11. Суд версияси.
12. Суд терговининг ўзига хос махсус планлаштирилиши.

Адабиётлар:

1. Абдумажидов А. Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги. 1-жилд. Тошкент 2003 йил.
2. Абдумажидов А. Терговни режалаштириш ва ташкил этиш. Тергов версиялари тўғрисида таълимот. Криминалистика дарслик. I -жилд. Тошкент-2003 йил.
3. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
4. Алимова Р. Тергов ишини режалаштириш ва версия юритиш. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
5. Рустамбаев М.Х., Норбоев. Криминалистика схемалар. Ўқув қўлланма. 2002-йил.
6. Васильев А.Н. Тактика следственных действий. Москва 1981 г.

7. Филипов А.Г. общие положения криминалистической тактики. Учебник. М. 2000 г.

Масалалар:

1. а) 26 февраль 20 йил эрталаб соат олтида терговчига хабар килинди. Кўриладиган уй олдида қоровул томонидан ўлик топилган, зўравонлик ишлатилган белгилари мавжуд. Боши ва юз атрофида қон куйилиш излари бор. Олинган хабарга кўра қанақа типик версия тузиш мумкин?

б) Олинган хабарга кўра, терговчи воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириб аниқдади, мурда эркак жинсли, кўкрагигача кўрилаётган уйнинг подвалнинг деразасига тикилган. Ўлимга бевосита сабаб олган жароҳатидир. Бош ва юз атрофига ўтмас предмет ёки мушт билан чексиз зарб еган.

Воқеа содир бўлган жойда қон қўп эмас. Кўздан кечиришда куйидаги шароитлар ўзига жалб этади: мурданинг чўнтагида документлар йўклиги; этиги нотўғри кийилганлиги, чап этик - ўнг оёққа, ўнг этик - чап оёққа кийдирилган. Этик ечилганда пайпоқларда қон излари бор. Мурданинг кўйлаги ва пайпоғинининг тозаллиги кўзга ташланди. Кийган кийимлари йиртиқ, кир ва ифлос.

Воқеа содир бўлган жойни ва мурдани кўздан кечириш юзасидан олинган маълумотга қараб қандай версия тузиш мумкин?

Тергов версиясини тузинг, ҳар бир версияга қараб тергов ҳаракатларининг режасини тузинг.

в) Иккинчи март куни милиция органига фуқаро Абдуллаева мурожаат қилди. Уни қизиқтираётгани — эри милиция томонидан вақтинча ушланганми-йўқми? Абдуллаев Эркин Жалилович, 40 ёшда. Нима учун у эрини милиция ушлаган деб уйлаяпти? Абдуллаева милицияга бугун почта орқали эрининг паспортини олганлигини, паспортни милиция юборган деб, милицияга мурожаат қилганини тушунтирди. Милиция ходимлари томонидан Абдуллаев ушланмаганлиги аниқланди.

Маълумотга қараб версия тузинг. Тузган версияга режа тузинг, текшириш учун ва терговчининг дастлабки тергов ҳаракатларининг режасини тузинг.

г) Абдуллаев шахсини ўрганиб куйидагилар аниқданди: охириги бир неча ой ҳеч қаерда ишламагани, марказий бозорда автомашиналардан товарларни туширган, топган пулини ичиб йўқ қилган. Харақтери юмшоқ, эрксиз.

Олинган маълумотдан қандай версия тузиш мумкин? Олинган маълумотдан қандай тергов ва оператив-қидирув тергов ишларини олиб бориш мумкин?

д) Конвертда ўлдирилган Абдуллаевнинг адреси, фамилияси, исми ва отасининг исми кўл ёзуви билан ёзилган. Паспорт юборилган конверт терговчи ихтиёрида. Хатни каердан юборилгани ҳақида маълумот йўқ эди.

Хатни каердан юборилганини аниқлаш учун қандай тергов ва бошқа ҳаракатларни режалаштириш мумкин?

е) Режалаштирилган тергов ва бошқа ҳаракатлардан хатни ёзган ва ўлдирилганнинг паспортини почта орқали юборган шахс аниқланди. Бу 19-яшарли завод ишчиси Юнусов З. экан.

Юнусов З.ни сўроқ қилиш учун қандай тайёргарлик кўриш мумкин? Сўроққа тайёргарликда қандай ҳаракатлар (тергов ва оператив-қидирув) вужудга келиши мумкин? Терговчи сўроққа тайёргарлик кўраётган вақтида З.Юнусов сўроқ вақтида қайси йўлни тутишини олдиндан кўра билгани ҳолда, қайси тактик усулларни қўллаши мумкин? З.Юнусовни ким сифатда (гувоҳ, гумондор, айбланувчи) сўроқ қилиш мумкин? З.Юнусовни сўроқ қилиш режасини тузинг.

Сўроқ давомида З.Юнусов 20-яшарлик Ф.Абдулманов билан Абдуллаевни ўлдирганларини бўйнига олди ва куйидагиларни баён қилди: 25 феврал соат 19 ларда улар кўча айлангани чиқишган, уй ёнидаги скамейкада маст ҳолда нотаниш эркак кишини кўришган. Ф.Абдулманов З.Юнусовни нотаниш эркак кишига нисбатан талончиликка ундаган. Улар маст Абдуллаевни кўтариб янги куриляётган уй олдида олиб боришган ва тинта бошлашган, Абдуллаев қаршилик кўрсата бошлаганда уни дўппослашган, сўнгра ечинтириб, чўнтақларини тинтишган. Чўнтагидан паспорт ва 20 сўм пулини олиб, уни қайта кийинтиришган, шошилганларидан этигини алмаштириб кийгизишган. Жиноят ишларини йўқотиш учун гумондорлар жабрланувчини янги уйнинг ертўла деразаси орқали тикмоқчи бўлишган. Буни уддала олмай ташлаб кетишган. Жабрланувчидан олинган пулни пивога сарфлаганлар, пиджагининг ярамаслиги кўриб, ташлаб кетишган. Паспортини эса почта орқали уйига жўнатишган.

ж) Сўроқ давомида З.Юнусов берган маълумотларни текшириш

учун режа тузинг ва дастлабки тергов ҳаракатларининг режасини тузинг.

з) Абдуллаевни ўлдирганлик ҳақида гумондор тариқасида сўрок қилинган Ф.Абдулманов З.Юнусовнинг берган маълумотларини тўлиқ тасдиқлади.

а) ва б) масалаларида қайси фактлар тўлиқ аниқланмаган ва қандай тергов ҳаракатларини режалаштириш керак? Шу жиноий ишни тугаллаш юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларининг режасини тузинг.

Мавзу: Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш.

Машғулот режаси:

1. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш тушунчаси ва вазифаси.
2. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш турлари.
3. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикасининг умумий талаблари.
4. Кўздан кечиришнинг тушунчаси, унинг объектлари.
5. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг босқичлари.
6. Кўздан кечириш натижаларини қайд қилиш (фиксациялаш).
7. Воқеа жойини ва мурдани кўздан кечириш.
8. Предметларни кўздан кечириш.
9. Ҳужжатларни кўздан кечириш.
10. Кўздан кечиришда тергов (суд) ҳужжатларида илмий-техник воситаларни қўллаш.
11. Жойларни ва хоналарни кўздан кечириш, суд тактикаси.

Адабиётлар:

1. Абдумажидов А. криминалистик тактиканинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги. I —жилд. Тошкент 2003 йил.
2. Суяров Қ. Ҳодиса жойини кўздан кечириш. Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил. 8.Суяров Қ. Ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси.
3. Криминалистика дарслиги. 1-жилд. Тошкент-2003 йил. 9.Норбоев А. ҳодиса жойини кўздан кечириш. Услубий қўлланма. Тошкент-1999 йил.

4. Норбрев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
5. Норбоев А. Аҳмедов Т. Портловчи воситалар билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартиби. Ўқув қўлланма. Тошкент-2005 йил.
6. Эсанов М. Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш. Ўқув қўлланма. Тошкент-1997 йил.
7. Мирзаев Т. Ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси. Дарслик. Тошкент-2005 йил.
8. Процессуал ҳужжатлар тузиш (намуналар) Тошкент-1995 йил.

Масалалар:

1. 10 май куни эрталаб туман Ички ишлар бўлимига музей маъмуриятидан кечаси музейдан қимматбаҳо кийимлар(олтин кубик, олтин офискл, қилич ва бошқа нарсалар) ўғирланганлиги ҳақида хабар келди. Ўғирланган буюмлар ойналарда ва муҳрланган витринада сақланган. Музей эшиги осма контроль қулф билан маҳкамланган ва сигнализация уланган.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришни қайси ташкилий йўналишда олиб бориш керак: а) музей залига кириш эшиги қулфи бузилган; б) қимматбаҳо буюмлар сақланадиган витрина калитида ва муҳрида кўзга ташланадиган бузиш ишлари йўқ.

Ушбу вазиятларга қараб воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини тузинг.

2. Тўлаганов бир корхонадан ноёб осма соатни ўғирлаганлигини бўйнига олди, ўғирланган соат коридорда, стол ёнидаги деворда осилган эди. Берган маълумотни текшириш учун коридордаги ҳолат ўзгартирилди. Соат осиб қўйилган деворга сурат илиб қўйилди ва коридордаги стол бошқа бурчакка олиб қўйилди ҳамда стол ёнидаги девор ўртасига мих қоқилди. Тўлагановга қаерда соат осилганлигини кўрсатиш таклиф қилинди. Тўлаганов ҳеч иккиланмасдан стол ёнидаги девор ўртасидаги мих қоқилган жойни кўрсатди, унинг фикрича соат худди шу жойда осилган эди. Шундан маълум бўлдики, Тўлаганов ўзи содир этмаган жиноятни бўйнига олмоқда эди.

Тўлагановнинг кўрсатмаси бўйича терговчи қанақа тергов ҳаракатини олиб борди? Сунъий равишда ҳолатни ўзгартириб кўздан кечириш мумкинми? Тергов реконструктураси деб нимага айтилади ва уни кўздан кечириш вақтида қўллаш мумкинми?

Тўлагановнинг кўрсатмаси тўғри текширилдими? Агар нотўғри бўлса, қандай тергов ҳаракатини олиб бориш керак?

3. Автомашина йўл-қатнов қисмида хотин-қиз мурдаси топилди. Зўрлаб ўлдириш аломатлари мавжуд. Эксперт мурдани кўздан кечиришда зўрланганлик аломатларини тўлиқ тушунтириб бера олмади.

Ушбу ҳолатни қайси версия асосида кўздан кечириш керак? Нималарга эътибор бериш керак? Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида ва ҳар бир версияни текшириш учун? Бўлган шароитга қараб воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини тузинг. Жабрланувчининг ўлим сабабини автотранспорт ҳодисаси деб баҳолаш мумкинми?

4. Қишлоқ ёнидаги йўлда ўк отувчи қуролдан қолган жароҳат излари билан Бўронов ва Қаландаров мурдалари топилди. Бўроновнинг таиаси йўлнинг чап тарафидан 52 м. масофадан, Қаландаровнинг танаси эса 27 м. масофадан йўлнинг ўнг тарафидан воқеа содир бўлган жойгача судраб келинганлик юлари қолган.

Воқеа содир бўлган жойни қандай кўздан кечириш мумкин? Воқеа содир бўлган жойнинг марказини ва чегарасини аниқланг? ўк, гильза ва патронларни қидирув тактикасини аниқланг. а) жабрланувчиларга қарата автомат қуролидан ўк узилган, б) жабрланувчига қарата ов милтиғидан ўк узилган.

5. Мурдаси топилмаган Махмудовани ўлдирилганлик ҳақидаги жиноят иши текширилаётганида, гумондор Аминов куйидагиларни аниқлаб берди: Махмудованининг хонасида бўлгани ва Махмудова уни ҳақорат қилган. Шундан кейин у Махмудованинг кўкрагидан итариб юборгани, бунинг натижасида Махмудова йиқидиб тушаётганида столнинг қиррасига бошини уриб олиб ўлган. Шундан кейин уй ёнидаги ахлат тўкадиган яшикка мурдани жойлаштирган ва машинасига ортиб шаҳар четидаги ахлат тўпланадиган жойга ахлат тезда ёндирилишини билган ҳолда яшириб қўйганлигини сўзлаб берди.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш қайси жойда ўтказилиши керак? Аминовнинг кўрсатмаси бўйича сўроқ Махмудованинг хонасида қайси тактик асосда текширилиши керак? Шу иш бўйича воқеа жойини кўздан кечириш вақтида қанақа шароитни, негатив характерини аниқлаш мумкин? Махмудованинг хонасини кўздан кечириш баённомасини тузинг.

Мавзу: Тергов эксперименти ўтказиш тактикаси.

Машғулот режаси:

1. Тергов эксперименти тушунчаси, унинг вазифалари ва турлари.
2. Тергов экспериментининг воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертизадан фарқи.
3. Тергов экспериментини ўтказишга тайёргарлик кўриш.
4. Тергов экспериментини ўтказиш тактикаси.
5. Тергов экспериментининг натижаларини баҳолаш.
6. Тергов экспериментининг ҳақлиги ва исботлаш моҳиятини баҳолаш.

Адабиётлар:

1. Норбоев А. Тергов экспериментини ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. 1-жилд. Тошкент-2003 йил.
2. Аҳмедов Д. Тергов экспериментини ўтказиш тактикаси. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
3. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
4. Мирзаев Т. Тергов эксперименти. Криминалистика. Дарслик. Тошкент-2005 йил.
5. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
6. Белкин Р.С. Профессия следователь. М. 1998 г.

Масалалар:

1. Бозорда Алихонов кулупнай харид қилиб, сохта пул купюраси тўламоқчи бўлаётган пайтида милиция ходимлари томонидан ушланди. Қўлга олинган вақтда унинг чўнтагидан бешта 5 сўмлик купюра далилий Ашё сифатида олинди. Тергов давомида Алихоновнинг ҳеч қаерда ишламаслиги, бир неча марта судланганлиги, Сулимов билан яхши алоқадалиги ва Сулимов аввал рассом бўлиб ишлаганлиги аниқданди. Терговчида Сулимов суммани қалбакилаштиришда иштирок этган деган шубҳа пайдо бўлди. Сўроқ давомда Алихонов сўмларнинг суратини ўзим чизганман, деб бўйнига олди. Терговчи Алихонов кўрсатмасини эксперимент йули билан текширишга қарор қилди.

Тергов экспериментининг турини айтинг. Тергов экспериментини ўтказиш учун терговчи қандай тайёргарлик

ишларини олиб бориши керак? Тергов эспериментида ким иштирок этиши керак? Эспериментни ўтказиш учун қанақа материаллар зарур? Тергов эсперименти натижаларининг қониқарли ёки қониқарсизлигини қандай баҳолаш мумкин?

2. Машина ҳайдовчиси Султонов Москвич СНИ 4793 да фуқаро Видовани босиб кетди, олинган жароҳатлардан кейин йўловчи Видова вафот этди. Терговда Султонов қуйидагича кўрсатма берди: Видовани босмаслигига техник шароит йўқ эди. Чунки машинани соатига 60 км. тезликда ҳайдаётган пайтда 10 метр масофада Видова югуриб чиққан... Терговчи эсперимент ўтказишга қарор қилди.

Тергов эсперименти турини ва мақсадини айтинг. Тергов эсперименти ўтказишга тайёргарлик кўринг. Эсперимент қатнашувчиларини айтинг. Қерда тергов эсперименти ўтказилиши керак, қачон ва нима учун? Тайёргарлик кўраётган вақтда нималарни эътиборга олиш керак? Эспериментнинг натижаларидан қанақа хулоса қилиш мумкин, қониқарли ёки қониқарсиз?

3. Мавленовнинг ўлдирилганлиги ҳақида тергов давомида қуйидагилар аниқланди: кечкурун 20 сентябр куни Мавленов ва Трунов овдан уйга қайтаётган бўлишган. Йўл-йўлакай олма олиш учун жамоа хўжалик боғига киришган. Мавленов олма дарахтининг устига чиқиб, шохаларни қоқа бошлаган. Трунов пастга тушган олмаларни териб ола бошлаган, унинг елкасида ўкланган милтиқ осилган бўлган. Олмаларни тераман деб эгилган пайтида милтиқ кўндоғи ерга тегиб, натижада отилиб кетган ва ўк дарахт устидагига Мавлоновни оғир жароҳатлаган. Олинган маълумотни текшириш учун ва қанақа тергов олиб бориш кераклиги аниқданг. Фактни, жойни, шароитни ва эсперимент натижаларини процессуал тўғри расмийлаштиришни аниқланг. эспериментда мутахасиснинг иштирок этиш масаласини ҳал қилинг. Эсперимент ўтказилишига қадар милтиқни қайси факт ва техник ҳолатларини текшириб кўриш керак?

Мавзу: Тинтув ўтказиш тактикаси

Машғул�т режаси:

1. Тинтув тушунчаси ва вазифаси.
2. Тинтув турлари (объектга қараб, мақсади, тартиби, тартиб усули).
3. Тинтув ўтказиш боскичлари.
4. Тинтув методлари.
5. Тинтув ўтказишнинг усуллари ва ташкилий масалалари.
6. Тинтув масаласини ечиш учун психологиянинг қўлланилиши.
7. Тинтув ўтказишда илмий-техника воситаларидан фойдаланиш.
8. Тинтув натижаларини қайд қилиш.
9. Тинтувни виешка ва куздан кечиришдан криминалистик фарқи.

Адабиётлар:

1. Абдумажидов А. Криминалистик тактикаларнинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги. I-жилд. Тошкент-2003 йил.
2. Ҳидоятлов Б.С. Тинтув ўтказиш тактикаси, Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил
3. Орипов Т. Тинтув ва олиб қўйиш тактикаси. Криминалистика дарслиги I жилд. Тошкент – 2003 йил.
4. Мирзаев Т. Тинтув тактикаси, криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2004 йил.
6. Филиппов А. Тактика обнска и внемки. Криминалистика учубник. Москва-2000 г.

Масалалар:

1. Милиция ходимлари томонидан Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Хоматдинов, портлаш моддасини ишлатиб, ўз таниши Зинатулинни 12 июнда 19... йилда Ангрен шаҳрида ўлдирган деб ушланган. Сўрок давомида Хоматдинов Зинатулинни танимайман ва 12 июнда 19... йилда Бекобод шаҳридан бошқа шаҳарга қўчиб кетганман деб бўлган воқеани бўйнига олмади. Терговчи Хоматдиновнинг уйини тинтув қилишга қарор қилди.

Тергов харакати олдидан қанақа масалалар турибди? Терговчи биринчи навбатда қдйси предметларга эътибор бериш керак? Қайси жойларда шу предметларни топиш мумкин? Терговчи тинтувни

қандай ташкил қилиши керак (иштирок этувчиларнинг таркиби, режа, илмий-техника воситалари)?

2. Кашкиннинг йўқолганлиги сабабли жиноят кўзатилган. Кашкин Жуковнинг уйида ўлдирилган деб хабар олинди. Жуковнинг уйида тинтув ўтказиш учун ажрим чиқарилган. Жуков ўзининг шахсий уйида истикомат қилади, уйи 2 хонадан: ошхона, ванна ва гараждан иборат, ҳовлисида бассейн ҳам бор.

Жуковнинг уйини тинтув қилиш методини аниқланг. Тинтув қайси масалаларни ечиши керак? Тинтув қайси предметларни топиш учун ўтказилиши керак? Қайси илмий-техника ва криминалистик техника воситалари ишлатилиши керак? Жуковнинг уйини тинтуви соат 22:00 гача ҳеч қандай натижа бермади. Терговчи эртага эрталаб тинтувни давом эттиришга қарор қилди.

Терговчининг қарори тўғрими? Агар тинтув эртага қолдирилса, терговчи қанақа чора кўриши керак?

3. Кўп қаватли уйнинг ҳовлисида янги туғилган боланинг жасади топилди. Мурда йиртиқ чойшабга ўралган ва картон қутига солинган ҳамда ип билан боғланган. Терговчида Козлованинг квартирасида тинтув ўтказиш учун етарли далиллар бор. Козлова эса терговчи ва ҳолисларни ўз квартирасига киритмади.

Бу вазиятда терговчи қандай иш тутиши керак? Тинтув Козлованинг квартирасида қайси предметларни топиш учун ўтказилиши керак?

Мавзу: Сўрок қилиш тактикаси. Жабрланувчи ва гувоҳдарни сўрок қилиш тактикаси

Машғулот режаси:

1. Сўрок қилишнинг процессуал ҳаракати ва турлари.
2. Сўрок қилишга тайёргарлик кўриш.
3. Сўрок қилинувчи билан алоқада бўлишнинг методологик усуллари.
4. Қайси шароитда тўғри ва тўлиқ кўрсатма олинади.
5. Гувоҳнинг эсидан чиққан воқеаларни қайта тиклаш тактик усуллари.
6. Гувоҳлардан тўғри кўрсатма олиш учун психологик усулларни қўллаш.
7. Жабрланувчи ва гувоҳларни сўрок қилиш тартиби.

8. Жабрланувчини сўроқ қилиш асослари.
9. Вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилиш асослари.

Адабиётлар:

1. Алимова Р. Сўроқ ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент-2003 йил.
2. Мирзаев Т. Сўроқ қилиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
3. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2005 йил
5. Тергов Амалиёти. Тошкент-1998 йил. 8-10-сонлар.

Масалалар:

1. Сўроқ баённомасини таҳлил қилинг, гувоҳга қўшимча, аниқловчи ва назорат саволларини қўйинг.

Баённома Гувоҳни сўроқ қилиш

14 август 19... йил

Наманган шаҳри

Наманган шаҳар прокуратурасининг терговчиси, иккинчи даражали юрист Номозов К. терговчининг хонасида соат 09:00 дан то 10:20 гача ЎзР ЖПК ... моддасига риоя қилган ҳолда Ципкин Григорий Михайловични гувоҳ сифатида сўроқ қилди. Ципкин Григорий Михайлович 1947 йилда Наманган шаҳрида туғилган, рус, ўрта маълумотли, Наманган шаҳрининг таксопаркида пайвандчи бўлиб ишлайди, олдин судланган. Наманган шаҳар А.Шерамов кўчаси 11-уй 5-квартирада яшайди.

Кўрсатма беришдан бош тортганлик учун ва била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун ЎзР ЖКнинг 161, 162 мм. билан жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Гувоҳ Ципкин

имзо.

Мен Ципкин Г.М. А.Икромов кўчасининг 11-уйи 5-квартирасида яшайман. 11-уйнинг 9-квартирасида П.Петровна ҳам яшайди. П.Петровнанинг олдига тез-тез ҳар-қил эркаклар келиб, унинг квартирасида ичкиликбозлик қилиб туришарди. Охирги

марта унинг олдида Веселев Петр келган эди. У бизнинг таксопаркда пайвандчи бўлиб ишлайди. Бир қават юқорида Наташа Кверина яшайди. У отаси ва ўғай онаси билан бирга туради. Кверина жуда чиройли ва хушчақчақ киз. Мен у билан яхши алоқада эдим. Мен ҳеч қачон севмаганман. Наташа П.Петровна билан алоқа қилган. 10 август соат 18:30 га яқин мен уйдан чиқаётганимда подъезда Веселов Петр билан Кверина Наташани кўрдим. Веселов жуда маст эди. Кверина гапириб турган эди. Веселов ҳеч нимани кўрмаган ва эшитмаганлигини айтар эди, у жудаям ҳаяжонда ва кўркувда эди. Уни ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаган эдим. Кверина ва Веселов гапларига мен эътибор бермадим. Ҳовлида одамлар кў эди. Ушланиб турмасдан мен гаражга бориб қайтим келганимда Наташанинг пичоқланганини эшитдим.

Баённомани шахсан ўзим ўқидим, тўғри ёзилган.

Гувоқ Ципкин
Терговчи Номозов

имзо
имзо.

2. Сўрок пайтида Махмудов қуйидагича кўрсатма берди: 1977 йил 25 ноябрдан 26 ноябрга ўтар кечаси нотаниш шахслар томонидан босқинчилик қилинган. 25 ноябр соат 23 ларда магазинда иш тугагандан кейин сотилган молларнинг пулини олиб траллейбусга ўтириб уйга кетдим. Манзилимга етганимда троллейбусдан тушдим. Троллейбус бекати уйимдан 500 метр узокдикда. Тун жуда қоронғу бўлиб, майдаяаб ёмғир ёғаётган эди. 100 метр юрганимдан кейин йўлимдан икки нотаниш киши чиқди ва сигарет сўрашди, чўнтагимдан бир пачка Астра олиб узатдим. Узун бўйлиси сигарет пачкасини отиб юбориб, чўнтагидан финка пичоғини чиқариб бўйнимга тиради. Ўлдириб қўйишидан кўрқиб ёнимда бўлган ҳамма пулларимни бериб юбордим - 800 сўм, шундан битта 25 сўмлик ва қолгани 10 сўмликлар эди.

Ташқи қиёфалари: бири - баланд бўйли, эгнида қора кўлак ва қора чарм куртка, шими қора; иккинчиси - ўта бўйли, эгнида қора кўйлак, оқ чарм куртка, қора шимда эди. Бўлган воқеани хотинимга айтиб бердим. Милиция ходимларига хабар бермадганим сабаби тун жудаям қоронғу эди, бунинг устига ёмғир ёғаётган эди. Эртасига, яъни 26 ноябрь эрталаб соат 10:00 ларда милицияга мурожаат қилдим.

Махмудовнинг кўрсатмасини боғланг. Қўшимча сўроқ режасини тузинг.

АЙБЛАНУВЧИ ВА ГУМОНДОРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ ТАКТИКАСИ

Машғулот режаси:

1. Айбланувчи ва гумондор кўрсатмаларининг моҳияти.
2. Айбланувчини ва гумондорни сўроқ қилиш хусусияти. Сўроққа тайёргарлик кўриш.
3. Айбланувчидан ва гумондордан ҳаққоний кўрсатма олиш усуллари.
4. Айбланувчи айбини бўйнига олмаган вақтда сўроқ қилиш тактикаси.
5. Жиноятни исботлаш вақтида қайси тактик талабларга риоя қилиниши.
6. Айбланувчи ва гумондорга савол бераётган вақтда қайси талабларга риоя қилиниши.
7. Айбланувчини, гумондорни сўроқ қилиш вақтида қандай психологик усуллари қўлланилиши.
8. Айбланувчи айбини бўйнига олган вақтида сўроқ қилиш тактикаси.
9. Айбланувчининг ва гумондорнинг айби бор бўлганда сўроқ қилишнинг хусусиятлари.
10. Сўроқ натижаларини қайд қилиб бориш.
11. Вояга етмаган гумондор ва айбланувчини сўроқ қилиш тактикаси.
12. Айбланувчининг биринчи курсатмасини ўзгартирганидан кейин сўроқ қилиш тактикаси.

Адабиётлар:

1. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2005 йил Тергов Амалиёти. Тошкент-1998 йил. 8-10-сонлар.
3. Алимова Р. Сўроқ ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент-2003 йил.
4. Мирзаев Т. Сўроқ қилиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.

Масалалар.

I. Магазинни ўғирлаган деб гумон қилинаётган Айдарбековни сўрок қилиш вақтида терговчи магазиндаги ўғирлик ҳолатини кўздан кечириб магазинда содир этилган ўғирликни айтиб берди. Айдарбеков терговчига ҳамма нарса аён деб ҳисоблаб, ўғирлик қилганини бўйнига олди.

1. Терговчи шу ҳолатда тактик хато қилдими? Шу хатосидан бўладиган натижа кандай?

2. Ковалёв Анашкинни улдиришда гумондор сифатида ушланган. Анашкинни'нг жасади соат 23 да 17 сентябрб кун киноклуб ёнида топилган. Анашкин ўлдирилган кун Ковалёв у билан шу клубда бирга, иккиласи ҳам маст ҳолатда бўлишган. Соат 20 да клуб хонасида Анашкин билан жанжаллашиш йўлини топиб, унинг юзига мушт билан урмоқчи бўлган. Айдеров ва Сицоров, Ковалёв ва Анашкинни муштлишишига йўл қўймаган. Ковалёвни эса клубдан чиқариб юборишган. Ковалёвнинг кийимларини эксперт кўздан кечиргайда шимида қон доғларини аниқлаган. Суд-медицина экспертизаси шимдаги қон доғлари Анашкиннинг қон гуруҳи билан тўғри келишини тасдиқлади. Анашкиннинг баданида, кўкрак қафасида юрак томонида ўткир пичокдан жароҳат олганини тасдиқлади.

Гумондор Ковалёвни сўрок қилиш режасини тузинг.

Ковалёвнинг айбини бўйнига олиши учун тактик саволлар тузинг.

ЮЗЛАШТИРИШ ТАКТИКАСИ

Машғулот режаси:

1. Юзлаштириш тушунчаси ва турлари.
2. Юзлаштириш учун асослар.
3. Юзлаштиришнинг тактик усуллари.
4. Юзлаштириш натижаларини кайд қилиш.

Адабиётлар:

1. Алимова Р. Сўроқ ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент-2003 йил.
2. Мирзаев Т. Сўрок қилиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.

3. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2005 йил
5. Тергов Амалиёти. Тошкент-1998 йил. 8-10-сонлар.

Масалалар:
Юзлаштириш баённомаси.

«_____»_____20____йил

Наманган шаҳри.

Наманган шаҳр прокуратурасининг терговчиси 2-даражали юрист Хайдаров А. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси 117,139 моддасига риоя қилиб

Айбланувчи (гумондор)

Каримов Аброр.

Жабрланувчи

Рўзиев Аслам.

Гувоҳлар

Саломов У., Азимов О.

Улар кўрсатув беришдан бош тортганлари ва билатуриб ёлғон кўрсатув берганлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 161, 164 моддалари билан жиноий жавобгарлик бўлиши ҳақида огохлантирилдилар.

Юзлаштириш бошланди:

соат 12:00

Юзлаштириш тугади:

соат 14:00

Бир-бирингизни танийсизларми ва қанақа алоқада бўлгансизлар деган саволга иккаласи ҳам 13 август йилгача бир-бировини танишмаган ва ҳеч қандак алоқада бўлишмаганликларини айтишди.

Рўзиевга савол: Аброр пул талаб қилганда қандай ҳолатда эди?

Рўзиевнинг жавоби: Аброр мендан пул талаб қилди. Мен бермаганимдан сўнг, у мушти билан юзимга юрди ва мен йиқилдим. Шундан кейин Аброр мени этиги билан тепа бошлади.

Каримовга савол: Рўзиевнинг айтиб берган сўзларини тасдиқдайсизми?

Каримовнинг жавоби: Рўзиевнинг айтиб берганини тасдиқламайман, мен Рўзиевни урмаганман.

Рўзиевга савол: Каримовни эшитдингиз, ким тўғри гапираяпти, сизми ёки у?

Рўзиевнинг жавоби: Каримовни эшитдим, у нотўғри гапираяпти. У мени мушти билан урди, мен гапимда қоламан.

Рўзиевнинг Каримовга саволи: Сен урмаган бўлсанг, бўлмаса ким уради мени? Менинг қаршимда фақат сен турган эдинг.

Каримовнинг жавоби: мен сени урмаганман, сени ким урганлигини билмайман.

Каримовнинг Рўзиевга саволи: Сендан пул сўраганимни тасдиқлайсанми? Сенинг ўртоғинг Рўзиев мендан пул сўраган деяпти, қайси бирингизнинг гапингиз тўғри?

Рўзиевнинг жавоби: Мен ва ўртоғим ёнма-ён турган эдик, сен мендан пул сўрадинг.

Каримовнинг Рўзиевга саволи: Сенинг ёнингга келганимда кўйлагимнинг ранги канака эди?

Рўзиевнинг жавоби: Эсимда йўқ, ёнимга келган пайтингда кўча қоронғу эди, сенинг киймингни яхши кўрмаганман.

Юзлаштириш қатнашчилари бир-бирларига бошқа савол бермадилар.

Баённоманинг савол-жавоблари тўғри ёзилган.

Каримов ва Рўзиевнинг имзоси.

Терговчи Ҳайдаров А.

Юзлаштириш сифатини баҳоланг ва таҳлил қилинг?
Юзлаштириш давомида терговчи айбланувчи Каримовни фош қилиш учун бор вазиятдан фойдалана олдими?

Мавзу: Таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси

Машғулот режаси:

1. Таниб олиш тушунчаси ва вазифаси.
2. Таниб олиш учун кўрсатиш турлари.
3. Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўриш.
4. Таниб олиш учун кўрсатишнинг тактик усуллари.
5. Одамларни, мурдаларни, предметларни, ҳайвонларни таниб олиш тартиби.
6. Таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини қайд қилиш.
7. Исботлашни баҳолаш таниб олишнинг моҳияти.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2005 йил
2. Тергов Амалиёти. Тошкент-1998 йил. 8-10-сонлар.
3. Мирзаев Т. Сўроқ қилиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.

4. Алимова Р. Сўрок ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент-2003 йил.
5. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.

Масалалар:
Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш
баённомаси

25 июль 19__йил

Наманган шаҳри.

Наманган шаҳри прокуратурасининг терговчиси III даражали юристи Салимов Н. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 117, 119, 140, 142 мм риоя қилиб прокуратура биносида терговчининг хонасида кундуз куни соат 09:00 да холислардан: Каримов С. Наманган шаҳри А.Икромов кўчаси 6 уйда истикомат қилади.

2. Алиев С. Наманган шаҳри Фарход кўчаси 13 уйда истикомат қилади. Жабрлапувчи Расулов Ахмад Оллобергановичга таниб олиш учун қуйидаги шахсларни кўрсатдим: Иванов Олег Сергеевич - блондин, бўйи 165 см, қора костюмда ва қора ботинкада. Иванов билан жабрланувчи Расулов А.О. қуйидаги шахсларни кўрсатдим: Муродов Эркин Алиевич — сочи малла, бўйи 171 см ва Самадов Қосим Ахмедович — бўйи 181 см, спорт костюмида, оёғида красовка.

Жабрланувчи Расулов А.О.га кўрсатма беришдан бош тортганлик учун ва била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 161-162 мм билан жиноий жавобгарлик содир бўлиши ҳақида огохлантирилди.

Жабрланувчининг имзоси.

Гумондор Иванов О.С.га айтиб ўтилган шахслар орасидан жой танлаб олишига рухсат берилди. У шахсларни чап четидан ўрин олди. Тергов хонасига таниб олиш учун жабрланувчи Расулов О.А. таклиф қилинди.

Таниб олиш учун кўрсатилган шахслардан у Иванов О.С.ни кўрсатди ва тушунтирди: 15-май ... йилда Наманган шаҳрида Восточная кўчасида курул билан қўрқитиб сумкасини ва 200 сўм

пулини тортиб олган. Ивановни афтидан ва бўйидан таниб олганини тушунтирди. Қолган шахсларни танитайман, деди.

Таниб олиш соат 9.00дан 10.00 гача ўтказилди.

Таниб олиш баённомаси терговчи томонидан ўқиб эшиттирилди. Таниб олишда иштирок этган шахслардан таклифлар ва қўшимчалар тушмади. Тўғри ёзилган.

Жабрланувчи Расулов А.О.

Таниб олинган Иванов О.С.

Холислар: Каримов С., Алиев С.

Таниб олиш учун кўрсатилганлар: Муродов Э., Самадов К.

Терговчи Салимов Н.

Блинов квартирасини тинтув пайтида жабрланувчи Пшенщина тинтувда катнашиш учун таклиф килинган. Тинтув пайтида у ўз соатини таниб олди ва тушунтирди: бу соатни бир йил олдин нотаниш жиноятчи ўғирлаб кетган. Бу фактни терговчи тинтув ўтказиш баённомасида кайд қилди, таниб олиш баённомасида эмас.

Терговчининг қарорини баҳоланг.

Радченко Раиса дугомаси Блинованикига борганда шифонерда хотин-қизлар жемферини кўради ва танийди, жемфер бир йил олдин йўқолган бўлиб отаси Радченко олганини билади. Жемфер йўқолгани сабабли жиноят иши кўзғатилганди. Жиноий иш кўзғатган прокурорга ариза ёзади. Прокурор аризани ўқиб чиқиб, терговчига ариза сўрок баённомасига киритилсин деб, топшириқ беради, таниб олиш баённомасига эмас.

Прокурорнинг қарорини аниқланг.

Мавзу: Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тактикаси.

Машғулот режаси:

1. Суд экспертизаси тушунчаси.
2. Экспертизани тергов қилишда моҳияти ва турлари.
3. Криминалистик экспертизанинг турлари.
4. Комплекс, комиссия, такрорий ва қўшимча экспертизалар.
5. Терговчи, эксперт ва мутахассиснинг экспертиза ўтказишда компетенцияси.
6. Тергов ҳаракатида эксперт ва мутахассиснинг роли.

7. Ўзбекистон Республикаси эксперт корхоналарининг структураси ва экспертиза ўтказиш тартиби.
8. Эксперт корхоналарига мансуб бўлмаган жойларда экспертиза тайинлаш тартиби.
9. Суд экспертизасини тайинлашда ва ўтказишда терговчининг тактикаси.
10. Эксперт хулосасининг терговчи ва суд томонидан баҳоланиши.

Адабиётлар:

1. Алимова Р., Атаходжаев С. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. Ўқув қўлланма. Тошкент-2001 йил.
2. Алимова Р. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
3. «Назначение и производство судебных экспертиз». «Юрид.лит.» Москва- 1998 г.
4. Алимова Р. Жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш тартиби. Криминалистика дақрслиги. I жилд. Тошкент 2003 йил.

Масалалар:

Кўл четида антомашина шинасидан излар аниқ қолган ва 6 та синган фара бўлаклари топилди. Топилган ашёвий далиллар йўл транспорт ҳаракатини бузиш тўғрисида жиноий иш қўзғатилгани қайд қилинди. Шу факт бўйича кўздан кечириш ўтказилди.

Жиноий иш бўйича топилган ашёвий далиллар қандай аҳамиятга эга? Қайси экспертиза ўтказиш мумкин? Экспертиза тайинлаш қарорини тузинг.

Шаҳар истироҳат боғида муштлашиш пайтида вояга етмаган Подрсзо» Саша қорин ва кўлидан яраланган. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида битта ўқ ва иккита гильза топилган, ўқ майда калибмли милликка мансуб. Иккинчи ўқ Подрезовнинг қорнидан олинган. Гумондор Петелиндан тинтув ўтказилаётган вақтда Моргулина системали майда калибмли тўппонча топилган.

Шу иш бўйича экспертизани қайси турини тайинлаш мумкин? Экспертга саволлар тузинг, нечта объектни текшириш керак?

Гумондор Мишкинни шахсий тинтув пайтида чўнтагидан бешта паспорт фотосурати билан бирга топилди. Ҳаммаси ҳар хил фамилияда эди. сўроқ пайтида Мишкин паспортларни кимдир

чўнтагига солиб кўйган деди. Мишкинни суратга тушириб терговчи материалларни экспертизага юборди.

Экспертизанинг турини ва мақсадини айтиш? Экспертиза тайинлаш қарорини тузиш, экспертиза ўтказиш учун юборадиган материалларни қайси эксперт муассасасига юбориш кераклигини аниқ қилиб кўрсатиш.

IV БЎЛИМ.

АЙРИМ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ.

Ҳамма мавзулар учун

Режа:

1. Айрим турдаги жиноят ишларини исботлаш турлари.
2. Жиноят иши кўзғатиш хусусияти.
3. Ўзига мос тергов ҳаракатларининг биринчи босқичи ва оператив-қидирув турларининг ўзаро боғлиқлиги.
4. Режалаиштириш ва версия тузиш иш бўйича ўзига мос хусусиятлари
5. Дастлабки тергов ҳаракатлари.
6. Терговчининг охириги босқич тергов қилиш ишларининг хусусияти.
7. Жиноятни содир қилишга олиб келадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш хусусиятлари.

Ҳамма мавзулар учун адабиётлар:

1. Абдумажидов А. Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги.1-жилд. Тошкент 2003 йил.
2. Абдумажидов А. Терговни режалаштириш ва ташкил этиш. Тергов версиялари тўғрисида таълимот. Криминалистика дарслик. I -жилд. Тошкент-2003 йил.
3. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
4. Алимова Р. Тергов ишини режалаштириш ва версия юритиш. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
5. Рустамбаев М.Х., Норбоев. Криминалистика схемалар. Ўқув қўлланма. 2002-йил.

6. Васильев А.Н. Тактика следственных действий. Москва 1981 г.
7. Филипов А.Г. общие положения криминалистической тактики. Учебник. М. 2000 г.

**Мавзу: Давлат ва жамоат мулканинг талон-тарож килиш
жиноятини тергов килиш.**

Масалалар:

1. а) Феврал ойи 19... йилда прокуратурага шаҳар давлат универмаги ревизия қилинганида ўз мансабидан фойдаланиб талон-тарож қилган мансабдор шахслар устидан материаллар тушди. Ревизия материалларидан 30300 сўм етишмаганлиги аниқланди. Шаҳар универмагида ишлаётганлар бир-бирини айбдор сифатида кўрсатар эдилар, яъни сотувчилар мудирни мудир эса сотувчиларни.

Жиноят ишини кўзғатиш учун материаллар етарлими?

б) етишмаганлик сабабларини аниқлаш учун қолган товарларнинг ҳаракатини группасига қараб текшириб кўриш таклиф қилинди.

Товар ҳаракати деб нимага айтилади?

Товарни групуша ҳаракатига қараб текшириб чиқинг.

в) текшириш натижаси товар ҳаракатининг группаси (клуф) аниқланди, жумладан 398 клуф 29 сўм 80 тийин, ортиб қолгани 600 та қулф 40 сўм 80 тийиндан қулфлар яшиқларга жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир яшиқда 50 тадан. Яшиқларда қора краска билан 148-20 рақам ёзилган эди, бу партия номерини ва яшиқлар сонини билдирар эди. Яшиқларни очиш пайтида ведомостьлар топилган. Заводдан юборилган куни билан - 15 февраль 19... йил -документ бўйича кўрсатилган нархи бўйича универмага қулфлар охириги марта 6 январь 19... йил юборилган.

Яшиқ ва қулфларни кўздан кечириш баённомасини тузинг. Версия тузинг, версияларни текшириш учун режа тузинг. Магазин мудирини сўроқ қилиш режасини тузинг. Мудирни сўроқ қилиш тўғрисида баённома тузинг.

Мавзу: Одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш.

Масалалар:

Шаҳар милиция навбатчилиқ бўлимига гражданка Ускова келиб ўзининг умр йўлдошини (эрини) ўлдирганлиги ҳақида хабар килди. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш туфайли Усковнинг ўлдирилганлиги аниқланди. Жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлиши мумкинми? Жиноят иши бўйича қайси ҳолатни исботлаш керак?

2. а) 12 ноябр 19... йил Чўлпон қишлоғидан Тешабоев йўқолган. Тешабоев 19... йилда туғилган. Номалум мурдани таниб олиш учун Тешабоевнинг қариндошларига кўрсатилди.

Мурдани таниб олиш баённомасини тузинг.

в) Тешабоевнинг мурдасини ҳамма яқин қариндошлари кийимларидан танишди, хотинидан ташқари. Тешабоевнинг танаси дафн қилиниши учун қариндошларига берилди. Кийимларини эса ашёвий далил сифатида саклаб қолишди. Тешабоевни унинг хотини ўлдирган деб шубҳа пайдо бўлди. Чунки Тешабоев хотини билан ёмон муносабатда эди, ҳар куни ичиб келиб хотинига азоб берар эди. Йўқолган куни ҳам маст бўлиб келиб хотинини урган. Шу факт бўйича версия тузинг. Версияни текшириш учун режа тузинг.

г) Текширув давомида аниқландики, Тешабоевдан ташқари Назиркулов ҳам йўқолган. Назиркулова эри билан охириги ойлар бирга яшашмаган. 31 декабр 19... йилда гувоҳдар Назиркуловнинг юзи қон бўлиб юрганини кўришган. У ҳаммага хотимнинг қариндошлари урди деб айтиб юрган. Назиркулова эри ҳар куни маст ҳолатда келиб жанжал кўтарган ва кийимларини олиб чиқиб кетганини ва уни бошқа кўрмаганлигини тушунтириб берди.

Назиркуловнинг йўқолиш сабаби билан версия тузинг? Версияни тузиш учун режа тузинг.

д) Назиркуловнинг қариндошларига 21 июн 19... йилда топилган ўликдан ечиб олинган кийимларни таниб олиш учун кўрсатишган. Хотини ва қариндошлари Кийимларни Назиркуловники деб таниб олишган. Криминалистика қайси метод асосида пайдо бўлган саволларни еча олади?

Тешабоев ва Назиркуловнинг мурдалари 21 июн 19... йилда топилган.

Суд экспертизасини ўтказиш ҳақида қарор чиқаринг.

Мавзу: Номусга тегиш жиноятини тергов қилиш.

Масалалар:

а) 20 октябр 19... йил соат 01 да Наманган шаҳри милиция навбатчи хонасига фуқаро С. келди. Икки соат олдин А.Икромов кўчасида фуқаро С.ни номаълум эркак киши куч ишлатиб номусига тегмоқчи бўлган. С.нинг юзларида кон излари бор эди. Кийимлари лойга беланган.

Аниқланг: шу факт бўйича жиноят иши кўзғатиш мумкинми? Версия тузинг, версияни текшириш учун режа тузинг. Терговчи биринчи навбатда қанақа тергов ҳаракатини олиб бориши керак? б) Терговчи жиноят ишини кўзғатиб С.ни сўроқ қилди. Сурокда С. қуйидагича кўрсатма берди: у Наманган Мелкомбинатида ишлайди, бугун иккинчи сменада бўлгани учун у уйига кеч қайтаётган бўлган. Қаршисида номаълум ёш эркак киши дуч келган. С.ни йиқитиб зўрламоқчи бўлган ва уни бир неча марта мушт билан юзига уриб кийимларини еча бошлаган. Якинлашиб келаётган машинанинг чирокларини кўриб номаълум эркак уйлар орасига қочиб кетган. Тун қоронғу бўлганлиги учун С. эркак кишининг юзини ва кийимларини таниб олмаслигини айтди. Лекин эркак кишининг маст булганлигини ва ураман деганда С. уни лаби билан тилини тишлаб олганлиги ҳақда кўрсатма берди.. Терговчига 6 милиция бўлимига маст ҳолда номаълум кишини ушлашганини, лаби ва тилида жароҳат излари борлиги ҳақида хабар беришди.

Терговчининг дастлабки тергов ҳаракатларини тузиб беринг. Суд-медицина экспертизаси ўтказиш керакми ёки йўқми? Суд-медицина экспертизасига саволлар тузинг?

Мавзу: Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш жиноятларини тергов қилиш.

Топшириқ.

1. 21 феврал 19... йил Тошкент шаҳрини телестудиясида ремонт ишларини олиб бораётган пайтида монтажчи Складин билан бахтсиз ҳодиса юз берди, натижада оғир тан жароҳати юзага келди. ПМК директори телефон орқали прокурорга ва техник инспекторга хабар қилди.

Шу факт бўйича жиноят иши кўзғатиш мумкинми? Шу хабар бўйича терговчининг ҳаракатлари қандай? Жиноят иш кўзғатилган

бўлса қайси шарт-шароитларни исботлаш керак? Шарт-шароитларни исботлаш учун ва текшириш учун режа тузинг.

Мавзу: Ўғирлик, талончилик, босқинчилик жиноятларини тергов қилиш.

Масалалар:

29 январ соат 23 да милиция навбатчилиқ бўлимига Дьяченко бир неча минут олдин уни кўрқитиб пулини олишганлиги ҳақида мурожаат килди. Икки ёш номаълум киши сигарет сўраб, уни тўхтатишган. Улардан бири йирик предмет билан уни кўкрагига тираб пул талаб қилди. Дьяченко чўнтагидан 110 сўм чиқариб бераётган пайтда пулни ерга тушириб юборган. Босқинчилар пулни оламиз деб эгилган пайтидан фойдаланиб Дьяченко қочиб кетган.

Дьяченконинг аризасига биноан жиноят иши кўзғатиш мумкинми? Шу ариза кўшимча текширувга мухтожми? Агар мухтож бўлса қанақа муҳим кўшимча ҳаракатларни олиб бориш керак?

Дьяченконинг аризасидан келиб чиқадиган ўзига хос версия тузинг. Дьяченконинг аризасига биноан қандай кечиктириб бўлмайдиган тергов ва оператив қидирув ҳаракатларини олиб бориш керак? Дьяченкони сўроқ қилинг.

Шу жиноят иши бўйича қайси далилларни исботлаш керак? Дастлабки тергов ҳаракатини ҳар бир босқичи учун тергов режасини тузинг.

Магазиндан маҳсулотлар ўғирланлиги ҳақидаги магазин мудирининг аризасига биноан воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш натижасида қуйидагилар қайд қилинди: магазин прилавкасининг тагида пол синдирилган, перемичкаларининг орасини оралаб 6 та тешиқ қилинган. Ҳар бирининг тешиги 23 мм.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини тузинг. Топган ашёвий далилларни экспертиза ўтказиш қарорини чиқаринг. Экспертга қўйиладиган саволлар тузинг.

Мавзу: Порахўрлик жиноятини тергов қилиш.

Масалалар:

Бозоров прокуратура органига автомашина сотиладиган магазиннинг бошлиғи Сулаймонов «Жигули» автомашинасини

сотиб олишга тўсқинлик қилиб, 5000 сўм пора талаб қилапти деб ариза билан мурожаат қилди.

Жиноят иши қўзғатишга асос борми? Бозоров аризаси бўйича қанақа текширув олиб бориш керак? Бир неча ҳаракатларни текшириш режасини тузинг.

Зеб-зийнат дўконининг сутувчиси Усмоновани устидан текширув ўтказилди. Шу нарса аниқландики, Сатторовадан ва Олимовадан никоҳ узугини сотгани учун ҳар узукнинг устига 1000 сўмдан пора олган.

Шу жиноят ишида қайси ҳолатни исботлаш керак? Шу ҳолатни исботлаш учун тергов ҳаракатларининг режасини тузинг.

Мавзу: Йўл транспорти ҳаракати хавфсизлиги тартибини бузиш жиноятини тергов қилиш.

Масалалар:

Дастлабки тергов ҳаракатларидан аниқ бўлдики, Хомидов маст ҳолатда «Жигули» автомашинасини соатига 110 км тезликда бошқариб, «Маз» оғир юкли автомашина билан тўқнашди. Тўқнашиш натижасида Хомидов оғир тан жароҳати олди, ёнида ўтирган Скулова машинадан отилиб кетган. Бир неча минутдан кейин йўлда ётган Скуловани «Газ-21» автомашинасини маст ҳолда бошқариб келаётган Настаренко босиб ўтган. Воқеа содир бўлган шу жойнинг ўзида Скулова ҳалок бўлган.

Шу жиноят иши бўйича қайси ҳолатларни исботлаш керак? Воқеа содир бўлган жойнинг баённомасини тузинг. Экспертиза ўтказиш қарорини чиқаринг. Экспертга қўйиладиган саволлар тузинг. Йўл транспорти ҳалокатини тергов ишидан аниқландики, транспорт ҳаракатини ҳалокатининг сабаби бирданига бурилиш йўлида огоҳлантириш белгиси йўқлиги. Аввал ҳам шу жойнинг ўзида уч марта шунга ўхшаш автотранспорт ҳалокати содир бўлган, шу тергов бўлимидан жиноят ишларни терговини бошқа терговчилар олиб боришган.

Терговчининг иш юзасидан тергов ҳаракатини аниқланг.

**Мавзу: Ёнғин хавфсизлиги қондасини бузиш ва ўт қўйиш
жиноятларини тергов қилиш.**

Масалалар.

20 август соат 09:10 да Брундокованинг томи ёнаётганини ёнидаги уйларда яшовчи кўшнилари кўришиб тезлик билан ўчиришибди. Томда керосин билан тўлдирилган шиша идиш бўлиб, шишанинг оғзида пахтадан қилинган пилик топилган. Томи ёнган уйнинг ёнидан керосин, пилик ва бир метрли чўп топилган, чўпнинг бир учи чўғ бўлган.

Тергов версиясини тузинг? Гумондор шахсларни аниқланг ва уларни текшириш учун режа тузинг.

Шу жиноят ишини текшириш натижасида Бредихинани гумондор деб топиш учун асос пайдо бўлди. Бредихинанинг уйида тинтув ўтказиш учун терговчи қарор чикарди.

Бредихинанинг уйида тинтув ўтказишдан қандай мақсадга эришиш мумкин?

Гумондор сифатида сўрок қилинган Бредихина қуйидагича жавоб берди: кечкурун кўчани айлангани чикиб уйга соат 23:30 да қайтган. Нима учун Брундокованинг томидан топилган керосин тўлдирилган шиша идишдан унинг бармоқ излари қолганлиги ҳақидаги саволга Бредихина қуйидагича жавоб берди: винодан қолган бўш шиша идишини кўчага отиб юборганман, уни бошқа олиб ишлатган.

Бредихинани батафсил сўрок қилинг ва баённома тузинг. Бредихинанинг кўрсатмасини текшириш учун режа тузинг.

Тавсия қилинадиган адабиётлар

1. Абдумажидов А. Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги.1-жилд. Тошкент 2003 йил.
2. Абдумажидов А. Терговни режалаштириш ва ташкил этиш. Тергов версиялари тўғрисида таълимот. Криминалистика дарслик. I —жилд. Тошкент-2003 йил.
3. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
4. Алимова Р. Тергов ишини режалаштириш ва версия юритиш. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Токент-2000 йил.
5. Рустамбаев М.Х., Норбоев. Криминалистика схемалар. Ўқув қўлланма. 2002-йил.
6. Васильев А.Н. Тактика следственных действий. Москва 1981 г.
7. Филипов А.Г. обвдие положения криминалистической тактики. Учебник. М. 2000 г.
8. Алимова Р., Атаходжаев С. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. Ўқув қўлланма. Тошкент-2001 йил.
9. Алимова Р. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
10. «Назначение и производство судебных экспертиз». «Юрд.лит.» Москва — 1998 г.
11. Алимова Р. Жинойтларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш тартиби. Криминалистика дақрслиги. I жилд. Тошкент 2003 йил.
12. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2005 йил
13. Тергов Амалиёти. Тошкент-1998 йил. 8-10-сонлар.
14. Мирзаев Т. Сўроқ қилиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
15. Алимова Р. Сўроқ ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент-2003 йил.
16. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
17. Алимова Р. Сўроқ ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент-2003 йил.
18. Мирзаев Т. Сўроқ қилиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
19. Норбоев А. Криминалистика схемаларда. Ўқув қўлланма. Тошкент-2002 йил.
20. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент-2005 йил

21. Абдумажидов А. Криминалистик тактикаларнинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги. 1-жилд. Тошкент-2003 йил.
22. Хвдоятлов Б.С. Тинтув ўтказиш тактикаси, Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил
23. Орипов Т. Тинтув ва олиб қўйиш тактикаси. Криминалистика дарслиги I жилд. Тошкент - 2003 йил.
24. Мирзаев Т. Тинтув тактикаси, криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
25. Филиппов А. Тактика обыска и выемки. Криминалистика учебник. Москва-2000 г.
26. Норбоев А. Тергов экспериментини ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги. 1-жилд. Тошкент-2003 йил.
27. Аҳмедов Д. Тергов экспериментини ўтказиш тактикаси. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
28. Мирзаев Т. Тергов эксперименти. Криминалистика. Дарслик. Тошкент-2005 йил.
29. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
30. Белкин Р.С. Профессия следователь. М. 1998 г
31. Абдумажидов А. криминалистик тактиканинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги. I —жилд. Тошкент 2003 йил.
32. Суяров Қ. Ҳодиса жойини қўздан кечириш. Криминалистика тактикаси. Уқув қўлланма. Тошкент-2000 йил.
33. Суяров Қ. Ҳодиса жойини қўздан кечириш тактикаси. Криминалистика дарслиги. 1-жилд. Тошкент-2003 йил.
34. Норбоев А. ҳодиса жойини қўздан кечириш. Услубий қўлланма. Тошкент-1999 йил.
35. Норбоев А. Аҳмедов Т. Портловчи воситалар билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойини қўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартиби. Ўқув қўлланма. Тошкент-2005 йил.
36. Эсанов М. Ҳодиса содир бўлган жойини қўздан кечириш. Уқув қўлланма. Тошкент-1997 йил.
37. Мирзаев Т. Ҳодиса жойини қўздан кечириш тактикаси. Дарслик. Тошкент-2005 йил.
38. Процессуал ҳужжатлар тузиш (намуналар) Тошкент-1995 йил.
39. Абдумажидов А. Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги.1-жилд. Тошкент 2003 йил.

40. Абдумажидов А. Терговни режалаштириш ва ташкил этиш. Тергов версиялари тўғрисида таълимот. Криминалистика дарслик. I —жилд. Тошкент-2003 йил.
41. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2005 йил.
42. Алимова Р. Тергов ишини режалаштириш ва версия юритиш. Криминалистика тактикаси ўқув кўлланма. Тошкент-2000 йил.
43. Рустамбаев М.Х., Норбоев. Криминалистика схемалар. Ўқув кўлланма. 2002-йил. .
44. Васильев А.Н. Тактика следственных действий. Москва 1981 г.
45. Филипов А.Г. общие положения криминалистической тактики. Учебник. М. 2000 г.
46. Абдумажидов Г. Криминалистик рўйхатга олиш. Криминалистика. Дарслик, I жилд. Тошкент - 2003 йил.
47. Криминалистика тактикаси. Тошкент — 2000 йил
48. Норбоев А. Жиноий рўйхат. Криминалистика техникаси. Ўқув кўлланма. Тошкент - 1999 йил.
49. Овсянников М. Криминалистическая регистрация. Учебник криминалистики. Москва-2000 г.
50. Алимова Р. Шахсинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказиш, криминалистик техникаси. Тошкент-1999 й.
51. Криминалистика тактикаси. Тошкент - 2000 йил
52. Криминалистика техникаси. Тошкент — 1999 йил.
53. Алимова Р., Атаходжаев С. Одамнинг портрети асосида идентификациялаш, ўқув кўлланма. Тошкент-2001.
54. Кирсакова Л., Земин А. Криминалистическая фото-портретная экспертиза. Москва-1991 г.
55. Топорков А. «Словесный портрет» практическое пособие. Москва «Юрист» 1999 г.
56. В.П.Власов. Хужжатларни дастлабки тадқиқ қилиш ва тергов жиҳатдан кўриб чиқиш. Москва 1985 йил.
57. Алимова Р. Хужжатларни криминалистик текшириш, криминалистика техникаси. Ўқув кўлланма. Тошкент-1999 й.
58. Абдумажидов Г.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н. ва бошқалар. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент 2003 й. хужжатларни крим-техникаси асосида текшириш боби.
59. Алимова Р. Қўлёзма мантларни криминалистик усулда текшириш. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2003 й.
60. Криминалистика. Дарслик. Тошкент—2003.

61. Н.Я.Яблоков. Ҳужжат материалларини криминалистик тадқиқ қилиш.
62. Алимова Р. Ҳужжатларни криминалистик текшириш, криминалистика техникаси. Уқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
63. Абдумажидов Г.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н. ва бошқалар. Криминалистика дарслиги. I жилд. Тошкент 2003 й. ҳужжатларни крим-техникаси асосида текшириш боби.
64. Алимова Р. Қўлёзма мантиларни криминалистик усулда текшириш. Криминалистика дарслиги. Тошкент-2003 й
65. Алимова Р. Криминалистик баллистика. Криминалистика дарслиги. –I жилд. Тошкент-2003 й.
66. Ишниязов.Қ.А., Кулиев.Ш Суд баллистикаси. Наманган-1998 йил.
67. Аҳмедов Д. Суд баллистикаси, криминалистика техникаси ўқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
68. Алимова Р., Атаходжаев С. Криминалистик экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масалалари. Уқув қўлланма. Тошкент-2001 й.
69. Белкин Р.С. Криминалистика. Учебник. Норма. Москва-2000 г
70. Суяров Қ. Суд трасологияси, криминалистика техникаси. Уқув қўлланма. Тошкент-1999 й.
71. Суяров Қ. Криминалистик трасология. Криминалистика дарслиги I жилд. Тошкент-2003 й.